

332
Х17

5695

Ёкуб Халилов

ДУРДОНА





УЗБ
ХИТ

ЁҚУБ ХАИМОВ
ДУРДОНА


ҚИССАЛАР,
ҲИКОЯЛАР,
ХОТИРА

Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва маданият институти

— 1976 —

№

7134



Уз
Х 17

X $\frac{70303-99}{3-\text{Доп}-76}$ Доп-76

ДУРДОНА¹

БИРИПЧИ БОБ

I

Министрнинг оддий жиҳозланган кабинетида министр билан Умидов сұхбатлашиб ўтиришибди.

— Ана шунақа, ҳурматли Аҳмад Умарович,— деди министр ниҳоят,— менинг ўринbosарим ўртоқ Алексеев Мирзачұлдаги қолоқ совхозга фақат сизни юборишни қаттық туриб талаб қылмоқда. Бунда у, албатта, сизнинг Қизилқұмда орттирган бой тажрибанғизни назарда тутаётган бўлса керак. Хўш, шунга нима дейсиз?

Умидов бу саволга дарҳол жавоб беролмади. Министр унинг бу хилда сукут қилишидан демак, рози бўлса керак, деган холосага ҳам келмади. Аксинча, Умидовнинг авзойидан, у ҳар тарафлама ўйлаб-чамалаб кўраётгандир деб, хурсанд бўлди ва ўзича: «Албатта «етти ўлчаб, бир кесгани маъқул» деган фикрга келди.

Умидов бир оздан кейин шундай деб жавоб қилди:

— Умумий иш манфаати нүқтаи назаридан агар министрлик шу қарорга келган бўлса, мен бу ишончни оқлашга ваъда бераман.

Сұхбат анчага чўзилди. Ҳатто иш вақти ҳам тугай деб қолди.

Министр маслаҳат ва насиҳат тариқасида уқтириб деди:

— Шуни назарда тутингки, ўртоқ Умидов, Мирзачұл ҳам худди Қизилқұмдек бир чўл-саҳро. Аммо ҳар бир чўлнинг ўзига хос хусусият ва табиати бўлади. Сиз ўзингиз ишлаб келаётган совхозда чорвачиликни

¹ Бу қисса Малик Раҳмон билан ҳамкорликда ёзилган.

тегишли даражада ривожлантиришга муваффақ бўлдингиз. Шу совхозда эса, негадир, бу соҳада мушкул аҳволга тушиб қолдик. Сизни бу совхозга ўтказиш билан, тез орада уни ўпирилишдан олиб чиқасиз деган умиддамиз. Ёрдам тўғрисида мутлақо хаёлингизга ҳам келтирманг. Аммо ҳар нарсада сизларга кўпроқ диққат-эътибор берамиз.

Умидов министрнинг ҳамма гапларига рози бўлди ва: «Ишни яхшилаш учун шахсан менга тўла ишонч билдирилиши ва яккабошчилик керак» — деган илтимосни қўйди.

Умидовнинг бу гапи негадир министрга ёқмади. У стулдан вазмин қўзгалиб оғир тин олди, сўнг дераза олдига бориб, ўйга толди. Бундай ишонч ва яккабошчилик ҳуқуқи берилса, Умидов одамларга ўз зарбини ўтказмасмикан, деган фикрни хаёлидан ўтказди. Мабодо шундай бўлса, бундан асосий ишга зарба етмасмикан? Умидовнинг илтимосига аниқлик киритиш учун министр унга «коллектив раҳбарлик принципи масаласи қандай бўлар экан?» деб савол ҳам бермади. Ахир Умидов узоқ йиллардан бери совхоз директори вазифасида ишлаб келяпти-ку. Бир оз сукутдан сўнг министр шундай савол ташлади:

— Сиз ўз режаларингизни гапириб бера олмайсизми?

— Менга билдирилган зўр ишонч ва яккабошчилик билан иш тутганим сабабли Қизилқумда ишлар тез юришиб кетган эди. Албатта, бу кунглимга тўғри келган нарсани қиласвераман деган гап эмас. Партия раҳбарлиги, коллектив энг илгор кишиларга, планларнинг бажарилишига суюниши лозим — мен бутун раҳбарлик фаолиятимда ана шуларни асос қилиб оламан, — жавоб қилди Умидов.

Умидовнинг жавоби министрнинг ҳамма шубҳаларини тарқатиб юборди ва у деди:

— Фақат ва фақат шундай бўлиши керак. Аммо одамлар масаласида ниҳоятда эҳтиёт бўлиб иш тутиш лозим. Мирзачўл одамлар билан ҳазиллашишни ёқтиримайди. Одамларнинг тарқалиб кетишига сира йўл қўйманг. Демак, сизни Мирзачўлга олиб янглишмабмизда, а?

Шундай қилиб, Умидов якка ўзи оиласиз, Мирзачўлга қараб йўл олди.

* * *

*

«Күш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди», «борса келмас», «боши ҳам, охири ҳам йўқ...» деб ном олган Мирзачўл ҳақида халқ кўплаб афсоналар тўқиган. Унинг жазирама иссиғи, ҳувиллаб ётганлиги, инжиқ табнати шундай аталишига сабабчи бўлган.

Лекин халқ бу «борса келмас» чўлда утроқ яшаб колиб, тўқ-фаровон ҳаёт кечиришни асрлардан бери орзу қилиб келарди. Бунга асос ҳам бор эди. Бир замонлар Сирдарё шимол-шарққа қараб оқарди, шунда Мирзачўл гуллаб-яшнаган ўлка эди. Аммо дарё ўзанини ўзгартириб, бошқа ёққа оқа бошлагач, жазирама иссиқда ҳамма нарса қуриб-қовжираб кетди. Одамлар очликдан қирилиб кетди. Гуллаб-яшнаган водий қақраган чўл-биёбонга айланди.

Ўтмишда бу чўлдан кўп фотиҳлар кон тўкиб ўтганлар. Маккор Қутайба ибн Муслим беҳисоб бегуноҳ одамларнинг қонини тўкиб, Сирдарё сувини ҳаёт учун эмас, балки ўлим учун сарфлаган. Чингизхоннинг юз минглаб суворийлари Мирзачўлни яксон қилиб ўтган, у халқка ер-сув беришни асло хаёлига келтирмаган. Халқ даҳшат ва зулм остида қирилиб кетаверган. Қаерда зулм бор қон оқади, қаерда меҳр бор сут оқади, деганларицек, хон ва беклар халқнинг орзу-умидлари рўёбга чиқишига сира йўл қўймаганлар. Улар одамларни зўрлик билан ҳайдаб келиб, чулда карвонсаройлар қурдириб, канал қаздирганлар. Шу йўсинда Чиноз-Жizzах орасида бир неча бекатлар қурилган. Аммо чул ҳамои чўллигини қилаверган, одамларнинг нияти рўёбга чиқмаган.

Бора-бора бу жойлардаги ариқ ва каналлар қуриган, уй-жойлар хонавайрон бўлган.

Шунга қарамай, халқ ноумид бўлмади. Чунки Мирзачўл ерлари серҳосил эканлигини ва бу ерларга фақат сув чиқариш кераклигини у яхши билган. Фақат сувизликдан бу чўлнинг чанги осмонга ўрлаб, пешанасини шўр босиб ётарди.

Бунинг устига чўлда йўлнинг йўқлиги дард устига чипқон эди. Ҳатто одам тусмоллаб қадам ташлашга ҳам қўрқкан. Дайди шамол кеча-кундуз тинмай, қўм

барханларини у ёқ-бу ёкка күчиргани-күчирганди. Го-
ҳо қутурган кучли шамол дастидан борлиқни қум бу-
лутлари қоплаб, худди зулмат тун чўкканга ухшарди.
Гармседдан қум ва шўр босган ерларга қадам босиб
булмасди.

Айниқса шўр бу чўлнинг бошига битган бало эди.
Шурни йўқотиш учун одамлар узоқ йиллар бош қо-
тирганлар.

Хуллас, ўтмишда бу мاشаққатли иш ҳеч кимнинг
қўлидан келмаган эди.

Бу чўлу биёбонларга жон киргизиш учун матонат-
ли халқнинг темирдек бикир қўллари керак эди. Ўз
халқи, Ватани йўлида пешана тери тўккан жойдагина
халқ рушноликка чиқади. Совет Ватани озод ва меҳ-
натсевар халқлар ватанидир. Советлар даврида, улуғ
Лениннинг Декрети билан Мирзачўлни тиз чўктириш
учун умумхалқ юриши бошланди.

Партияning чақириғи ва қалб амри билан қақраган
чўлни гуллаб-яшнаган үлкага айлантириш учун бепоён
мамлакатимизнинг турли томонларидан одамлар кела
бошлиди. Коммунистик партия хўжаликларга раҳбар-
лик қилиш учун ўзининг әнг яхши ўғил ва қизларини
бу томонга юборди.

Бинобарин, маълумотли, тажрибали, жангларда ва
меҳнатда тобланган агроном Аҳмад Умарович Умидов
хам Қизилқўмдан Мирзачўлга шу мақсадда юборил-
ган эди.

Умидовнинг жиiddий қиёфаси суҳбатдошига унинг
ақлли одамлигини кўрсатиб туради. Умидов кўп га-
пирмас, саволларга қисқа ва лўнда қилиб жавоб бе-
рарди. Масалани тўғри ҳал этишдаги унинг қатъиятли-
лиги барча ходимларни ниҳоятда хурсанд қиласди. Уни
доим ишлар оқсаб қолган жойдангина топиш мумкин
эди.

Ибрат кўрсатиб ходимларни ортидан эргаштириш —
унинг одати эди. Кўз ўнгидан доим партия ва давлат ва-
зифаси: одамларни қўриқ ерларни ўзлаштиришга
сафарбар этиш, йирик чорвачилик хўжалиги бунёдга
келтириш, мўл-кўл гўшт-сут этиштириш вазифаси кўн-
даланг булиб туради.

Аммо совхозга келгач, ишлар ҳадеганда юришиб
кетавермади. Бир томондан, чўлнинг инжиқликлари
Умидовнинг ишига рахна солаётган бўлса, бошқа то-

мондан эса айрим шахсларнинг зимдан қилаётган хийла-найранглари белга тепди.

Айрим ғаламислар директор амалга оширмоқчи бўлган тадбирларга тўғаноқ бўлдилар. Совхозда бундай ёмён ниятли кишилар бармоқ билан санаарли эди. Улар фақат ўз шахсий манфаатлари йўлида совхозга қинғир йўллар билан келиб қолган әдилар. Халқ «Шатроқ бузоқ подани бузади» деганидек, бундайлар совхоз ишининг олга силжишига тўсқинлик қиласдилар.

Бу хилдаги ярамас одамларнинг тиллари узун, қулоқлари доим динг бўлиб, улар бош агроном Шокировга суюниб иш кўардилар. Улар доим Шокировнинг хизматига камарбаста, унинг кўнглини овлашар, унга лаганбардорлик қилишар, қўйинг-чи, унинг арзандалари эди. Шокиров ҳам бу дангаса, такасалтанг ва текинхўрларнинг сирларини доим ҳаспушлаб келарди.

Ишchan одамнинг совхозга раҳбар бўлиб келиши Шокировга ёқмади. Умидов билан дастлабки учрашганидаёқ у билан ҳазиллашиб булмаслигига, уни алдаб, лақиллатиб булмаслигига кўзи етди. Унинг талабчан раҳбар эканлигини, топширилган ишнинг ижросини доимо текшириб туришини Шокиров бир неча марта кўрди. Аммо Шокировда бундай сифатлардан асар ҳам йўқ эди. Унинг назарида планлар расмий бир ҳужжат бўлиб, уларнинг бажарилиши учун ўзи ҳам жон куйдирмас, ходимларни ҳам сафарбар этмасди. Унинг ўзига хос иш услуби бор эди: чўлдан нимаики унса, шунга шукур қилиб, қорнини силаб ётаверарди. Чорвадорлар ем-хашак етишмаяпти деб шикоят қилса, чўл қийинчиликларини пеш қилиб, доим сувдан қуруқ чиқишига уринарди. Ботқоқлик, ерларнинг шўрлиги, бегона ўт босганилигини баҳона қилиб, одамларни лақиллатарди.

Умидов совхозга директор бўлиб келганидан сўнг Шокиров одамларни «хўжа кўрсин»га ҳимоя қилиш йўлини тутди. Чўлнинг ўзига хос қийин шароитида одамларнинг ишлаши оғир деган баҳонани ўйлаб топди. Ходимларга ғамхўрлик қилган бўлиб, ҳар куни Умидовнинг олдига оғир вазифалар қўяверди, тўғри келган жойда унинг ҳақида гийбат гаплар тарқатди. «Янгি директор ҳали чўлнинг қийин шароитини узоқ ўрганади, одамлар ҳали-вери қийинчиликдан қутула олмайдилар шекилли» деган бўхтон гаплар тарқатди.

У Умидов билан сұхбатлашган вақтда үзини унга совхоз ишларининг ипидан-игнасигача биладиган одамдек қилиб күрсатишга уринарди. Шокиров номигагина катта тажрибага эга кимса ҳисобланса-да, лекин ундан маънили бирон фикр чиқмасди.

Бир куни у ўз башарасини очиб қўйди. Воқеа бундай бўлган эди. Унинг бир неча лаганоардорлари бозорга боришимоқчи бўлишади. Бунинг учун улов керак эди. Машиналар ҳосилни ташир, тракторлар эса ер хайдар ва кечки әкинларни йифиб-териб оларди. Шокиров механикка билдиrmай, тракторчига ишлатилиши ман қилинган прицепни тиркаб, одамларни бозорга олиб боришини буюради. Умидов прицепга чиқиб олган одамларни куриб қолиб, уларни дарҳол тўхташишга буйруқ беради. Буни эшитиб қолган Шокиров жанжаллашиш ва обрўсини сақлаб қолиш учун дарҳол Умидовнинг олдига келади. Умидов ўз гапида қаттиқ туради, Шокиров ҳам қайсар эчкидек оёгини тираф турниб олади.

— Эҳ-хе, сендақа директорларнинг кўпини курганимиз! «Ўроқда йўқ, машинода йўқ, хирмонда ҳозир!..» Ҳалитдан ҳукмини ұтказмоқчи-я! Бу ерда сенинг айтганинг кетмайди, оғайни... Бу ерни чул-саҳро дейдилар. Бу ернинг ўзига хос шарт-шароити бор! Шуни билиб қўйки, сен ўзингни сув деб билсанг, мён бу ерда ариқман, сендақалар сувдек оқиб кетаверади, мен бўлсан доим ариқлигимча қолавераман.— Шокиров бу гапларни сенсираб, удағайлаб айтди-да, кабинет эшигини тарақлатиб ёпиб чиқиб кетди. Ғазаб билан кўчага чиқди. Бу ерда уни кутиб турган бир тўда ҳамтовоқлари унинг авзойини куриб, чурқ этмай унга эргашишди, нарироқ боргач, ижикилаб суриштира бошлишди. Шокиров эса, ҳамон ғазаб-ла одимлар, одамларнинг саволларига жавоб бермасди.

Улар ариқ бўйига келиб тўхташди. Шунда Шокиров тилга кириб, Умидов билан ораларида бўлиб үтган гапларни сўзлаб берди. У қўлларини пахса қилиб, баъласини турли мақомга солиб гапиради. Унинг ҳаракатларини деразадан кузатиб турган директор, одамларни ўзига қарши қайраётганини фаҳмлади. «Ким ҳақ, ким ноҳақ эканини ҳали кўрамиз!»— деб қўлларини бигиз қилиб идора томонга қараб удағайлаётган одамларни директор кўрди.

Умидов бу ишнинг оқибати нима бўлишини сабртоқат билан кутди. Шокиров бўлса одамларни қопхуржунлари билан прицепли тракторга утқазиб, бозорга жўнатиб юборди: «Баҳузур бориб бозор-учарларингни килиб келаверинглар. Иш бўлса қочмас. Директорга ўзим жавоб қиласман!..» деди.

Улар йўл-йўлакай идора томонга назар ташлаб: «Мана, директорнинг қулидан бир пуллик иш келмадику!» дейишиди.

Шокиров эса, гердайиб: «Менинг айтганим бўлдику» деб бўз отга минди-да, далага эмас, ўз қишлоғига қараб йўл олди.

Умидов чуқур ўйга толиб, бийдек далага тикилиб қолди... Агар бир ой ичида раҳбарлар ўртасида шунчалик келишмовчилик бўлса, бориб-бориб нима бўлади? Ҳозир эса куз пайти, ҳар дам ғанимат, кечга бориб нима бўлишини эрталаб айтиш қийин. Наҳотки Шокировнинг ҳосил учун бели қайишмаса?.. Ахир табиат шошириб қўяяпти-ку!..

Куз ҳар доим яхши келавермайди: дам қаттиқ шамоллари, дам ёғингарчиликлари билан одамларни шошириб қуяди. Ҳосилни йигиб-териб олиш, қишига тайёргарлик куриш учун фурсат етишмайди. Миришкор дехқон табиатнинг инжиқликларини назарда тутиб, эси борида этагини ёпиб олади. Ерларни шудгор қиласди, бинокорлар эса тезроқ турар жойларни битказадилар, чорва учун иссиқ ва қулай молхоналар қурадилар. Шундай долзарб пайтда совхознинг бош агрономи Шокиров бригадир, бўлим бошлиқлари ва механикнинг юзига оёқ тираб, одамларни бозорга жўнатиб юборди. Директорнинг «Кеча кечқурун топшириқ бериш вақтида нега бу нарса назарда тутилмади?» деган саволига у: «Хўжаликда ҳамма нарсани олдиндан айтиб булавермайди-да, ўртоқ Умидов», — деган мазмунда мужмал жавоб берди.

Директорнинг: «Сиз бу аҳволда бригада ва машиналарнинг иш суръатини пасайтириб юборасиз-ку», деган гапига, у оғиз кўпиртириб: «Сен директор бўлсанг ҳам, хўжалик ишларини тушунмайсан, хўжалик юритиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди», демоқчи бўлди-ю, лекин ўзини босиб, кўз олайтириб қўйди.

Шокировнинг директорга нисбатан қилган бу муо-

маласида ҳеч қандай асос йүқ әди. Еш жиҳатдан қаралғанда, Шокиров олтмишга кирай деб қолган, Умидов ҳам әллик бешдан ошган әди. Бутун гап уларнинг та-биатлари ҳар хиллигига әди.

Умидов тусатдан совхозга раҳбар этиб тайинланган шахс эмасди. Директор хўжалик ишлари билан таништан дастлабки кунларда ўзининг қаерларда ишлаганинги қисқача бўлса-да, агрономга сўзлаб берганди. У кетмон чопиб юрган вақтларидаёқ агроном булишни орзу қиласар, бунинг учун табииёт ва биология ўқитувчиларидан кўп маслаҳатлар олади, комсомол йўлланмаси билан Ўрта Осиё пахтачилик-ирригация институтига киради. У ҳар йили ёзда тажриба ўтказиш учун Мирзачўлга, Далварзинга келиб турган әди. Фордзон¹ орқали тор изли темир йўл билан очиқ платформада чулнинг одам топмас, узоқ-узоқ ерларига ирригация тармоқлари чиқариш учун боргандар ҳали эсида. Қалин дўсти Александрни Далварзин чўлида қорақурт чақиб ўлдиргани сира-сира эсидан чиқмайди. Қорнида майдада қизил доғлари бор бу заҳарли қуртнинг номи турли мамлакатларда ҳар хил аталади. Осиёда уни «қора ажал», Америкада «қора ўргимчак» дейишади. Чўлнинг жазирама иссиғи, чанг аралаш қуюн шамоллари, қорақурт ва чаён-илонлари успирин Умидовнинг кўнглини ердан, деҳқончиликдан сира совутолмади. Унинг ерга тушган ишқи чўлни унумдор ерларга айлантиришга унади. У ишлаганда ҳам, ҳамма жойда эскича усулда эмас, балки янгича, ерларни маҳсулдор қилишининг илмий сирларини яхши билиб олиб ишлаш кераклигини кўнглига жо қилиб ишлади.

Институтни тамомлагандан кейин уни янги тузилган колхозлардан бирига раис қилиб юборадилар. Бу бор-йўғи қирқ гектар ери, бир араваси ва икки жуфт ҳўқизи бор колхоз әди. Деҳқонларнинг унга берган нақазлари ҳали-ҳали эсида. Улар ёш раисларига: «Ҳаётимизнинг асоси бўлган она еримизни сенга ишониб топширияпмиз. Уни куз қорачифидай асра! Уни унумдор қилиш йўлларини қидириб топ. Якка хўжалик деҳқонлар коллектив хўжаликнинг афзаллигини куриб қўйишин», — деган әдилар.

¹ Бир изли темир йўлда очиқ платформани паровоз эмас, балки «фордзон» трактори тортиб юраги әди.

У вақтларда Умидовнинг ўзига яраша билими булса-да, техника йўқ, ҳамма ишлар қўлда бажариларди: гўнгни далага қопларда ташиб чиқиб, қўлда сочи-ларди.

Умидов тез орада бу колхознинг ишларини йўлга солиб юборгач, партия чақириғи билан Қизилқумга бориб, катта бир совхозда бригадир бўлиб ишлай бошлиди.

Шокиров Умидовнинг гапларини ҳайратланиб тинглади. Оғир чўл шароитида Қизилқум совхозини гуллаган воҳага айлантирганигини эшитди. Умидов чўл қаҳрамонлари ҳақидаги афсонани ҳам ўша ерда эшитганини галириб берди. У ўзининг энг яқин ёр-биродарларини чўл-саҳро билан курашда жонбозлик кўрсат-ётган афсонавий қаҳрамонлар сафида кўргандек бўлди. Қизилқум одамни беҳузур қиласидиган гармселлари, оташдек қизиган қумлари билан меҳнатсевар инсоннинг меҳрини ердан совутолмади, на гилтош, на шагал, ва на оҳак қатламлари Қизилқумни гуллаб-яшинаган диёрга айлантиришга азми қарор қилган одамларнинг йулига тўганоқ бўлолмади. Умидов шу шароитда уч йил ишлаб, мусобақада ҳар доим ғолиб чиқишга ҳара-кат қилди. Сўнгра уни ўша совхозга агроном, кейинроқ эса бош агроном қилиб тайинладилар. У совхозда икки йил ишлагач, Улуғ Ватан уруши бошланиб қолди. Шунда у ўз жонажон ишини ташлаб, кўнгиллилар сафида фронтга кетди. У Улуғ Ватан уруши фронтла-рида меҳнат ахли бунёд этган бойликларни фашист йиртқичлар топтаганини, экинларнинг алангаси кўк-ка ўрлаганини ўз кўзи билан кўрди. Умидов уруш охи-ригача кўп фронтларда сиёсий ходим бўлиб ишлади. Кўрсатган хизматлари учун кўкраги орден ва медалларга тўлди.

Улуг Ватан урушида совет халқи ғалаба қозонди. У ўз севган иши — совхозга қайтмоқчи бўлиб турганда, область партия комитети уни район партия комитетига секретарь қилиб юборди. Бу масъул вазифада у уч йил ишлаб, ажойиб ташкилотчи, қишлоқ хўжалиги сирла-рини яхши биладиган ва уни халқ, партия иши билан чамбарчас боғлаб олиб бора оладиган моҳир ходим эканлигини амалда кўрсатди.

Ниҳоят, илтимос устига илтимос қиласидан сўнг, уни Қизилқумдаги кўп тармоқли катта совхозга

директор қилиб юбордилар. Қизилқум шароитида ишлашнинг кўзини яхши билган Умидов чорвачилик билан деҳқончилик ишларини моҳирлпк билан бир-бирига қўшиб олиб борди. Натижада, бу икки тармоқ одамлари бир-бirisiz ҳаёт кечира олмайдиган булиб қолишиди. Мўл-кўл сут етиширилди, ҳар йили гушт-тумум топшириш плани ортиғи билан бажарилди. Натижада Қизилқум совхози «Мойкўл» деган ном олишга муваффақ бўлди. Бир қанча ишчиларнинг кўкракларида орден ва медаллар ярқиради. Умидов Ленин ордени билан тақдирланди.

Умидовни эндиликда ўз совхози миқёсида амалга оширилаётган ишларнинг ҳажми қаноатлантиrmай қўйди. У хўжаликларнинг иш усуллари билан танишишга карор қилди. Шу ниятда у мамлакатимизнинг марказий шаҳарлари — Москва, Ленинград ва Украина, Белоруссия, Кавказ ва Болтиқ бўйи республикаларига икки марта бориб келди. Бу ерлардаги совхозларнинг дала ва чорвачилик ишлари комплекс механизация ва автоматизациянилиганини, машҳур лавлагикор ва маккажўкорикорларнинг қандай қилиб мўл ҳосил етишираётганликларини, илгор фермалар хўжаликни илмий асосла қандай қилиб рентабеллаштираётганликларини курди, уларнинг тажриба ва маҳоратларини ўрганиб қайтди. Умидов бу ерлардан олган бой тажрибасини совхоз ҳаётига татбиқ этди. Бу тез орада ўз самарасини курсатди. Совхоз ишчилари дала ва фермаларда ишлар енгиллашиб кетганлигидан раҳбарларидан миннатдор булишиди.

Умидов сира тиниб-тинчимади, меҳнатни тобора енгиллаштириш йўлларини излади. Унинг олдига феълатвори ҳар хил одамлар келиб турарди. Уларнинг баъзиларидан ўрганди, баъзиларига ўргатди, баъзиларига насиҳат қилиб, тўғри йўлга солиб юборди, баъзиларини кўриб жаҳли чиқди. Аммо у одамларга қаттиқ ишонар, кильвирилик йўлига ўтганларга шафқат қилмасди.

Умидов уша йиллари механизацияга жон-жаҳди билан қарши турган баъзи кишилар ҳақидаги яна бир воқеани Шокировга сўзлаб берди. Бу воқеа бир колхоз даласига илк бор трактор кирганида юз берганди. Умидов тракторчининг ёнига ўтириб, далага чиққанида, қишлоқ имоми бошлиқ бир гуруҳ ёвуз ниятли кишилар бақириб-ҳайқириб унга ҳамла қилган эдилар:

— Ҳой мусулмонлар! Огоҳ бўлинглар, булар шайтон арава билан еримизни булғатяпти! Келинглар, бу алвости араванинг овозини учирайлик!..

Умидов билан тракторчи тракторнинг хосиятини жон куйдириб тушунтиришса-да, ҳеч ким уларнинг гапига қулоқ солмади. Жоҳиллар мушт ўқталиб бақирдилар, уларга ёпишидилар.

— Бу иблис араванг еримизни гиёҳ ҳам битмайдиган қилиб қўяди! Йўқот бу шайтон аравангни! — деб айюҳаннос солишиди.

Умидов бўш келмади. Юзлари тимдаланган, у ер-бу еридан қон оқаётганига қарамай тепаликка чиқиб:

— Халойик, шошмай туринглар. Бунинг ишини кўринглар, ёқмаса, майли, даладан чиқариб ташланглар,— деди.

Тракторчи дарҳол рулга ўтирди. Трактор ени палахса-палахса қилиб ағдарди. Буни кўрган одамларнинг дами ичига тушиб кетди. Улар фитначиларни даладан ҳайдаб юбордилар.

Ҳикояни эшитиб ўтирган Шокировнинг аъзойи бадани терлаб кетди. Унинг эсига шунақа бир воқеа тушган эди: қулоқ ўғли Шокиров ҳам бир вақтлар техникага тиш тирноғи билан қарши турган, колективлаштириш учун жонбозлик кўрсатган кўпгина фаолларнинг ёстигини қуритган эди. У бу қилигини ҳеч кимга билдирмай келарди. Бу воқеа уни қаттиқ қийнار, уни эсласа аъзойи бадани жимиirlаб кетарди.

Умидов бой тажрибага, ўткир билимга эга булсада, ҳар доим «ер билишдан аввал, одам тани» деган нақлга амал қиласарди. Гоҳо айрим бригадир ёки агрономлар йўлдан адашса, уларни дарҳол тўғри йўлга солиб юборарди. Аммо бригадир ёки бошлиқ булиб олиб, ўзини йўқотиб қўядиган, қўл учидагина ишлайдиган одамларни сира ёқтирамасди. Ўз вальдасининг устидан чиқмайдиган, айбини бирорларга тўнкайдиган кишиларга ҳам ҳуши йўқ эди. Тракторчининг иш нормаси пасайиб кетса, айбни ремонтчига қўядиган, сугориш графиги бузилса, сув танқислигини баҳона қиласиган одамларни ҳам иқи сўймасди.

Шокиров гап давомида Үмидовнинг одамларни яхши биладиган кучли раҳбаргина эмас, балки қишлоқ хўжалигини ҳам аъло даражада биладиган киши экан-

лигини пайқаб, уз ёғига үзи қовуриларди. Унинг буйинни тезда қайириб ташлашни кўнглига туғиб қўйди.

Орадан бир оз вақт ўтар-ўтмас директор билан агрономнинг ораси қаттиқ бузилди. Албатта, бунинг сабаблари бор эди. Бир куни Умидов унга ўз шахсий ҳаётига, совхоз ишига доир бир неча саволлар берди: «Нега сиз раҳбар сифатида марказий посёлкада яшамайсиз? Нега Мирзачўлнинг янги очилган ерида, совхознинг бир чеккасида эскича қишлоқ солдирдингиз?..»

Шокиров Умидовнинг бу саволларига анчагача жавоб бера олмади, кўзларини лўқ қилиб Умидовга бақрайиб тураверди. Умидовнинг нур ёғилиб турган юзи, ингичка қора мўйлови, кенг пешана ва жингала сочли қиёфаси шу тобда Шокировга жуда хунук куриниб кетди. Ана шу суҳбат асносида улар орасидаги муносабат кескинлашди. Шокиров гапни чўзмасдан: «Қариндош-уруғлар кўп, совхозда эса жой етишмайди» деб қалтагина жавоб қилди.

Ҳақиқатда аҳвол бундай эмасди. Гарчи совхозда ҳаммага уй-жой етишмаса-да, лекин доимий ишчиларга жой топиларди. Эски қишлоқ эса янги, социалистик қиёфадаги қишлоқнинг ҳуснини бузиб турарди; бу қишлоқда на тўғри кӯча ва на адл ариқлар, на довдараҳт бор эди, у ер-бу ерда учрайдиган лой девор уйлар кишининг кўнглини ғаш қиласди. Бу уйларнинг томларига қўшни совхознинг ғўзапоялари босилган, деворларига эса таппи ёпилганди. Молхоналар бузилиб кетганди. Бўрибосар итларнинг дастидан қишлоқна на кундузи ва на кечқурун одам йўлай олмасди. Аммо бу қишлоқ тўғон бошида жойлашган бўлиб, ерлари унумдор эди..

Шокиров вакиллар келиб безовта қилишидан чўчиб, одамлардан, марказдан узоқда яшарди. У «қимирлаган кир ошар» қабилида иш тутар, унга на ёз ва на кузнинг фарқи бор эди. Доим имиллаб ишлаш унинг одати эди. Гарчи у деҳқончиликда кунлар йилларни боқишини яхши билса-да, бунга үзи амал қилмасди. У ҳар йили экин экишни кўкламда умтўрт кун кечиктирас, ҳосилни кеч кузда йигиштириб оларди. Йигиб олинган ҳосил кечалари далада қолиб кетар, яхлаб қолар, ёки бир қисми илдизида чириб кетарди. Бу масала ҳар сафар директор иштирокида ёки партбюорда муҳокама

қилинганида, Шокиров тутуриқсиз баҳоналарни рукач қилиб, сувдан қуруқ чиқишига уринарди. У айбни ишчи кучи етишмаслигига, транспорт танқислигига, тусладан тушиб қолган совуққа тұнкарди.

Кундан-кунга совхозга ишга келувчиларнинг сони ортиб борди. Аммо улар орадан бир-икки ой ўтгач, Шокировнинг дастидан ишни ташлаб кетишга мажбур бұлардилар. Унинг камчилиги ёки хатосини күрсатған одам совхоздан кетишга мажбур бұларди.

Шокиров файзи йүқ, бүйи паст, зақар кимса бұлиб, күзлари доим чақчайиб турар, бирөвга ёмонлик қишлидан роҳатланарди. У қишин-ёзин телпак кийиб юрар, «телпак қишида совуқдан, ёзда иссиқдан сақлайди» дерди. Қишида эса хоҳ қор, хоҳ ёмғир ёғмасин, пальто устидан сариқ плаш кийиб оларди. Йил бүйи кирза этиги оғиғдан тушмас, отдан тушиши билан қамчинини этиги құнжига тиқиб оларди. Одамларнинг гапини бұлиб: «маълум, равшан» деб, аниқ бир жавоб қылмасди. Бұхтон қилишга устаси фаранг бұлиб, доимо атрофида лаганбардорлари гирдикапалак әди. Баъзан одамларга ҳеч нарсадан ҳеч нарса йүқ заҳрини сочар, койир, ҳар әҳтимолға қарши деб «қўйнига доим тош солиб» юрарди.

У пиёда юришни ёқтирмас, совхознинг «Гордий» лақабли бўз отини миниб юрарди. Бу отга у ҳар ойда совхоздан ем-хашак олиб, хашак ғамларди.

Умидов совхозга келгунга қадар шу иш давом этаверди. Куни кеча бухгалтер Шокировга энди сизга совхоздан ем-хашак берилмайди, деди. Бундан ташқару директор «Шокиров миниб юрган от кимники» деген сұраганини ҳам шама қилди. Бундай жиноий иш учун Шокировни ҳам, бухгалтерни ҳам жавобгарликка тортираман, деганини ҳам айтди.


— Курдингизми? От минадиган сизу менга гап төрдеп япти,— койиниб деди бухгалтер Шокировга.

Шокиров бухгалтерни хафа қылгиси келмади. Фото қат, «Бу ҳақда директор билан үрим таңашаман», деб құя қолди.

Бир куни Шокиров миңнине табиғетига кириб, мулойим оҳангда:

— Аҳмад Умарович, мен билан инпламоқчимисиз үзи ёки йўқми? — деб суради.

Умидов эса:



— Сиз билан ишламай, ким билан ишлайман? — деди.— Хүш, ўзи нима гап? — деб сұради.

— Унда очиғини айтинг, нега менга чуқур қазиб юрибсиз?

— Қанақа чуқур?

— Нега менинг қишлоғимни йүқтөмөкчи бұляпсиз.

— Қанақа қишлоғингизни? Ҳали сизнинг шахсий қишлоғингиз ҳам борми?

— Үзингизни соддалиқка олманг, үртоқ Умидов. Гап нима ҳақда кетаётганини жуда яхши билиб турибсиз. Эсингиздами, бир вақт отимга ем-хашак ҳам бердирмай қўйғандингиз. Нима, хўжаликларни пиёда айланайми?

— От масаласига хўжаликни айланишни тиқишишимг. Иккиси икки хил масала,— деди Умидов.

Бош агроном бұла туриб директор йўқлигидан фойдаланиб, совхоздан от ўмаришга ҳақи йўқлигини айтди. Воқеа мана бундай бўлган эди. Ветеринар врач, отбоқар ва зоотехник (ҳозир улар совхоздан кетиб қолган) бундан икки йил муқаддам акт тузиб, буз отни қоқиниб оёғи синганга чиқаришган. Кейин гўё отни сўйиб, гўштини сотгани омборга топширишган. От ориқ чиқди, деб актга тиркаб ҳам қўйишишган. Гўшти учинчи сортга қабул қилингандар. Омбор мудири ҳам от гўштининг пулини гўё совхоз кассасига топширгандар, ҳолбуки, гижинглаб турган тойни Шокиров арзимаган пул бериб ўзиники қилиб олган.

Бу Шокировнинг эсида турган бўлса-да, Умидов бу актни бош бухгалтер олдида ўқиб, сұради:

— Сизлар совхоз раҳбарлари бўла туриб бундай қинғир ишни нега қилдинглар? Кейин, совхоз ҳисобидан отга қандай қилиб ем-хашак бериб бўлади? Нега омборчи сўйилган отнинг терисини шу чоққача тери тайёрлаш идорасига топширгаган? Агар топширган бўлса, қоғози қапи, топширгаган бўлса, териси қаёқда?

Бу гапга Шокиров билан бухгалтер миқ әтмай қолишиди.

Бир вақт Шокиров панг овозда:

— Энди қанақа маслаҳат берасиз? — деб сұради.

— Отни совхозга топширасиз, маслаҳатим шу. Агар от миниб юришингиз зарур бўлса, ўша отни миниб юраверасиз. Билиб қўйинг, у от энди сизники әмас, совхозники бўлади. Бу тўғрида алоҳида буйруқ ҳам берамиз.

Нековингизга қаттиқ ҳайфсан эълон қиласман. Гап та-
мом-вассалом!

Шошиб қолган бухгалтер Умидовнинг гапини қув-
ватлаб:

— Ўртоқ Шокиров, бундан яхши қарор бўлиши
мумкин эмас,— деди.

Шокиров Умидовга қараб:

— Энди бундай қилмайман,— деди ва отни совхоз-
га топширишга рози бўлди. Аммо қишлоғи масаласи-
ни ҳозирча қўйиб туришни илтимос қилди.

Умидов уларни огоҳлантириб: «Раҳбарлар совхоз-
нинг ютуқларидан хурсанд бўлиш билан бирга, унинг
камчиликлари ҳакида ҳам бош қотириши керак. Биз-
лар килган хатоларимизни дарҳол бир-биримизга айтиб
туришимиз лозим. Ҳар бир ишни ўйлаб қилиш керак.
Ким қандай ишлайди, у нимага муҳтожлигини анг-
лаш керак. Совхозда қандай қийинчиликлар кўнда-
ланг бўляпти? Уни кимлар бартараф қиласпти? Булар
хаммаси совхоз тарихи учун зарур».

Ҳеч ким Шокировни бунчалик ишончли далиллар
билан попугини пасайтиргмаган ва унинг қишлоғи ҳа-
кида гап очмаган эди.

Агар бу қишлоқ бузилса, Шокиров етти йилдан бе-
ри «ўзига хон, ўзига бек» бўлиб яшаб келган жойидан
ажраларди. Шу сабабдан у Умидов устидан материал
тўплаб, одамларни унга қайрамоқчи бўлди. У директорни
ҳар бир фармойиши ёки буйругини одамларга
тескарисини етказишга уринар ё бўлмаса: «Директор-
нинг буйруги сўзсиз бажарилмоги керак», деб қўя қо-
ларди.

Совхозда чорвачилик фермаси бўла туриб, директор
уч йилдан бери ерларга гўнг солдирмай келаётганини
аниқлади. Уч йилдан бери ферма атрофидаги гўнглар-
га қўл урилмаган, улар зичлашиб, тараша бўлиб кет-
ган эди.

Умидов ферма атрофини ҳайдаб, гўнгланган тупроқ-
ни бир чуқурга йиғишга буйруқ берди. Ҳовли ва да-
лаларда тўпланиб қолган кул ва ахлатларни шу чуқур-
га йиғиб, компост тайёрлаш учун махсус эвено ташкил
этди.

Умидов келганга қадар ҳам совхоз кўпгина турли
ўғитлар олиб турарди. Шокировнинг уқувсизлиги ту-
файли бу ўғитлар ўз вақтида тўғри фойдаланилмасди:

ерга кеч ё эрта солинар ёки умуман ишлатилмай қолиб кетарди. Шу сабабдан хўжаликка ўғитнинг фойдасидан кўра зарари кўпроқ эди. Совхозда умуман компостдан фойдаланилмас, агар бирор киши бошқа колхоз ва совхозлар тажрибасига суюниб, бу масалани қўзгаса, аввало Шокировдан дакки ерди. Чунки у доим бу совхоз ерининг «ўз хусусиятини» пеш қилиб, бу ишдан фойда чиқмайди, деб қўя қоларди. Аммо бу «ўз хусусияти» бор ерлар учун нима қилиш кераклиги ҳақида ундан маънили бирор гап чиқмасди. Умидовнинг компост тайёрлаш тўгрисидаги буйругини эшишиб, Шокиров турли йўллар билан унга тўғаноқ бўлишга ҳаратат қилди. Ҳозир ҳамма транспорт воситалари ҳосилни йигиб-териб, уни ташияпти, гўнг ташишга қўл тегмайди, деб баҳона қилди.

II

Умидов совхозга директор бўлиб келган куниёқ унга Олимов ёқиб қолди. Дастрекни суҳбатдаёқ у партия ходими ва ажойиб инсон сифатида ҳам Умидовга маъқул тушди. Ҳақиқатан ҳам Олимов билан Шокиров ўртасида ер билан осмонча фарқ бор эди. Олимов доим соглом Фикрни қўллаб-қувватласа, Шокиров эса тирноқ тагидан кир қидиради.

Умидовнинг: «Совхоз нега бунчалик ёмон аҳволга тушиб қолди, партия ташкилоти қаерда эди?» — деган саволига, Олимов айбнинг бир қисмини ўз устига олса, асосий қисмини министрликдаги айрим ходимлар устига қўярди. Партия ташкилоти, Шокиров бошлиқ бир туда кишилар хўжаликни нотўғри йўлдан бошлаб кетяптилар, деб министрликка ўз вақтида хабар ҳам қильди, лекин у ердан ваъдадан бошқа нарса олинмади, ҳақли талаблар эътиборга олинмасди.

Бундан ташқари, Олимов баъзи сирларни ҳам очиб ташлади. Масалан, министрликдаги кадрлар бўлими-нинг бошлиғи Ўринбоев Шокировнинг жиянни, район кишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи Бўриев эса Шокировнинг қайнагаси экан. Совхознинг собиқ директори Бўриев ишдан шармандаси чиқиб ҳайдалган. У ҳамма вақт Шокировни қўллаб-қувватлайди. Совхозда ишларнинг оқсаягланлиги ҳа-

қида министрликка бир неча бор хабар қилинса-да, лекин бу маълумотлар ё министрга етиб бормас ёки бу материалларни кўтариб Ўринбоевнинг ўзи физиллаб совхозга етиб келарди. У совхозда бир неча кун туриб, қоп-қоп ваъдалар бериб кетарди.

Яна шундай бир воқеа ҳам бўлган эди: Шокиров ишдан гайри қонуний бўшатган бир неча ишчини ишчилар комитети қайта ишга тиклаганда, у қайсарлик қилиб, ўз фикрида қаттиқ туриб олди. Халқ суди ишчилар комитетининг қарорини тасдиқлади. Иш область судига оширилди. Область суди халқ суди қарорини тасдиқлади. Ишчилар икки-уч ойдан кейин яна иш бошладилар. Аммо ишчиларнинг бекор юрган вақтлари учун ҳақни бюрократ Шокировнинг ҳамёнидан эмас, балки совхоз кассасидан тўланди. Ишчилар комитети Шокировнинг ножӯя феъл-автори ҳақида министрликка шундай хабар қилган, эди: Шокиров ишчиларнинг фикрини бўғади ва уларни менсимайди, иш манфаатига зид бўлса-да, ўз буйругини кўр-кўронга бажаришни талаб қиласди. «Менинг буйруғим шу, шундай қилишни талаб қиласман, ўлсанг ҳам бажарасан» деб туриб олади. Унингча, ўзидан бошқа одамнинг ҳеч нарсага ақли етмайди, қулидан бир пуллик иш келмайди, фақат менинг қаттиқ қўллигим туфайли совхоз яшаб келяпти, деб лофт уради. Башарти бирор ишчи ташаббус кўрсатгудек бўлса, уни қўллаб-қувватламас, танқидни ёқтирас, ўз айбини доим хас-пушлайди. Қўполлигидан колектив ўртасида обруси йўқ.

Далиллар уни ишдан четлаштириш учун етарли бўлса-да, лекин бу фойда бермади. Чунки Ўринбоев орқали совхозга шундай жавоб келди: «Ўртоқ Шокировнинг нотўғри иш усули ўзига уқтирилсин. У хизмат вазифасини бажариш вақтида, дарҳақиқат бир неча қупол хатога йўл қўйган. Коллективнинг ташаббусини бўғани, раҳбарликда коллективчиликка амал қилмаганилиги кўрсатилиб, ундан талаб қилинсин: а) ўз қўл остидаги ишчиларга нисбатан муносабатини тубдан ўзгартирсин; б) ишчиларнинг фикр ва таклифларига қулоқ солсин; в) мунтазам равишда ишлаб чиқариш кенгashi чақириб турсин...»

Бу кўрсатма ҳам қоғозда қолиб кетди.

Умидов директор сифатида эмас, балки коммунист

сифатида ҳам Олимовни ўртоқларча огоҳлантирган, иш суръатининг пасайиб кетишида биринчи навбатда Олимовнинг ўзи ҳам айбор эканини уқтирган эди. Дарҳақиқат, партком ишларида партиявий принципиаллик етишмаганлиги сабабли, совхозда ишлар шу аҳволга тушиб қолган эди. Совхозда дон ва чорвачилик хўжалиги бўла туриб, унда дон етишмаса, фермада эса каммаҳсул жайдари моллар бўқилса? Бу нима деган гап ахир!

Умидов, биз коммунистлар андак камчиликка бармоқ орасидан қарашга ҳақимиз йўқ деганида, Олимов, партком йўл қўйган нуқсонларни хотирлади. Совхозда қонуннинг қупол равишда бузилаётганлигини партком пайқамаган, лекин буни район партия комитети тезда сезиб қолган пайлари ҳам бўлган. Олимов Умидов билан сұхбатлашаркан, район партия комитетининг секретари Аҳмедовнинг айтган сўзларини эслади. У аксари шундай дерди: «Коммунист ҳамма жойда ҳам тиниб-тинчимас, доим жанг қайнаган жойда, кураш ва меҳнат жабҳасида ҳозир булиши керак».

Совхоздаги оғир аҳвол Умидовни қаттиқ ўйлантириб қўйди. Аммо у ўз ниятини рӯёбга чиқаришга шошилмади. Ҳосил йигим-теримидан қўли бушаган ферма бошлиқларини Мирзачўлдаги намунали совхозларни курсатгани олиб борди. Улар «2- первомаец», «Малик», «Гулистон» совхозларидаги фермаларни кўрганларидаги оғизлари очилиб қолди. Фермаларидаги моллари бу совхозларнинг моллари олдида худди мушукка уҳшаб кўринди уларнинг кўзига. Бу намунали совхозларда сигирларнинг умумий вазни беш юз килограмм бўлиб, йилига 3600—4000 литрдан ёғлиқ сут берар экан. Бу қаларининг вазни қарийб 900 килограммдан келар экан.

Айниқса сут фермасининг мудири Бобоев бу қора-моллардан кўзини узолмай қолди. Назарида, бу ҳайвонлар «Боқишингга қараб натижа кутавер» дегандек қараб туришарди. Бобоев: «Нега бизнинг сигирлар бунақа эмас-а», деб ўйга толди.

«Гулистон» совхозидаги сигир соғувчи бир аёл бу саволга шундай жавоб қилди:

— «Сигирнинг сути тили учида булади», деган гап бор. Илм-фан яна шуни тасдиқлайди: «Сен аввало молнинг наслини яхшила ва уни яхши парвариш қил».

Халқ орасида ҳам: «Молинг зотли бўлса, емишинг тотли бўлади», деган мақол бор. Бутун сир мана шунда.

Яна совхоз ферма ходимлари Мирзачўлда биринчи марта зотдор Бушуев навли сигирни бориб кўрдилар. Бу сигирларнинг тана тузилиши ола-қора, танаси мустаҳкам, мускуллари бақувват, суюклари бикир, яғриндор ва қориндор, калласи ихчам, юзи узунчоқ, бели силлиқ, туёғи қаттиқ, елиндор. Оппоқ баданида дурданадек ялтироқ доғлари бўлиб, қулоқ-кўзлари қопқора бўлади. Уларнинг бу хусусиятлари наслдан наслга ўтиб келади.

Бобоев ўйланқираб қолди.

— Бунаقا сигирлар бизнинг совхозимизда яшаб кета олармикан? — сўради у Умидовдан.

— Нега хавотирланяпсиз? — дёди Умидов.

— Чунки биз бир неча марта зотли сигир ва бузоқлар сотиб олган эдик. Иссиқдан ва қон бузилиш касаллигидан кўпи қирилиб кетди, — деди. «Ёки уларнинг молларни асраш усули бошқамикан-а?» деди Бобоев, ўз-ўзига савол бериб. Лекин бу гапига жавоб топа олмади.

Ветеринария техникумини бундан йигирма беш йил муқаддам тамомлаган, кичик фермаларда ишлаб юриб, ўз билимини ошириш устида сира бош қотирмаган бир одам, бу саволга қандай жавоб топа оларди. Бобоев совхоз фермасида уч ўйдан бери ишлаб қалаётган бўлса-да, зотли моллар тўғрисида бирон марта ҳам ўртага гап ташламаганди. Бугун у машҳур Бушуев зотли моллар тўғрисида ҳеч эшитмагани маълум бўлди. Бу зотдор молларни бир вақтлари Мирзачўлда ишлган Бушуев деган машҳур олим шу шароитга мослаб урчитганини ҳам билмас экан.

Совхознинг ветеринария врачи Вера Николаевна бўлса зотдор молларни кўпайтириш тўғрисидаги масалани бир неча бор қўзгаган ва унинг бу фикрини министрлик қўллаб-қувватлаган эди. Шундай бўлса-да, совхозга ўша наслдор моллардан кўпроқ берилмаганди. Бобоевнинг гапига қараганда, янги келтирилган зотдор моллар совхозда пашшадай қирилиб кетар экан. Бирини сўйиб бўлмасдан, иккинчиси йиқилар, бирини сақлайман десанг, эрталабгача бошқаси ўлиб қолар эди.

Жайдари сигирларни кана босиб кетар, канани йу-

қотиш эса ниҳоятда қийин эди. Кана молларнинг қонини сўриб, тинчини бузарди. Сигирлар бир жойда тиниб-тинчид туролмаганлиги учун сут соғувчилар қийналарди. Бунинг олдини олиш учун сигирларни ҳар ўн кунда маҳсус ҳовузда чўмилтириб туриларди. Дори-ланган сувда чўмилтирилган сигирлар гангид қолиб, бир-икки кун сути қочарди. Шунда ферма ярим сутидан айриларди. Аммо кана бутунлай тўкилиб кетар ёки сут соғувчи аёллар уларни чўтка билан тозалаб ташларди.

Баъзи кана чаққан сигирлар қон бузилиш касалига йўлиқарди. Бунда уларга на укол ва на бошқа дори-дармоннинг нафи тегар, нобуд бўларди.

Фермадаги бу аҳволга Умидов чидаб туролмади. У Сирдарё совхозларидағи фермаларни бориб кўрди. Уларнинг хўжаликни қандай бошқаришларини ўрганди. У чорвачилик илмий-текшириш институтига ҳам борди, китоб мутолаа қилди. Бу ҳақда совхоз ишчиларини тўплаб, доклад қилди. Аввало битмас-туганмас бойликларга кон бўлган Мирзачўл ҳақида батафсил тўхталди. Бу ўлка одамлари Мирзачўлнинг сир-асорини, табиати инжиқликларидан тортиб саховатигача — ҳаммасини яхши билишлари лозимлигини уқтириди. Мирзачўл уч томондан тоғ билан қуршалган бўлиб, худди катта жомга ўхшайди. Тоғлардан оқиб тушадиган тошқин сувлар бу ерга етиб келолмайди. Аксинча, бу ерда сизот сувлари кўп бўлиб, у билан муомала қилиш усули билинмаса, бу сувлар ер бетига шўр тепиб чиқиб, кўл, ботқоқ ёки қамишзор ҳосил қиласди.

Аммо меҳнаткаш одамлар бу чўлнинг тилини билиб, кўнгилдагидек ишлов берса, бойлигига янада бойлик қўшилади. Умидов бу чўлдаги илғор хўжаликларда минглаб «дурдона»ларнинг — Бушуев зотли молларнинг ям-яшил ўтлоқларда яйраб-яшнаб ўтлаб юрганларини кўрди. Мирзачўлнинг хазинаси ҳисобланган пахтани «оқ олтин» деб атаганлариdek, бу чўлнинг бошқа бойлиги саналган оқ наслдор молларни «дурдона» деб атайдиган бўлдилар.

Бу зотдор моллар йигирманчи аср бошларида пайдо бўлган эди. Бу молларнинг дастлабки зотлари революциядан бурун Мирзачўлдаги тажриба участкаси даласи фермасида бунёд этилган эди. Бу станцияга машҳур

рус агрономи, олим Михаил Михайлович Бушуев раҳбарлик қилган. У ақли дониш одам бўлиб, доимо соябонли шапка кийиб, кўзойнак тақиб юрган, гимназия нусха китель эгнидан тушмасди. Онда-сонда ботинка киярди.

Умидов докладининг мароқли чиқиши учун бу ажойиб олимнинг шахсий ҳаётидан баъзи нарсаларни ҳам сўзлаб берди.

Михаил Михайлович йигитлик чоғида Москвада бир дворяннинг соҳибжамол қизини севиб қолибди. Қизнинг кўнгли ҳам унга мойил экан. Улар тўй қилмоқчи бўлибдилар. Қизнинг отаси тўйга розилик бермабди. У қизини зўрлик билан бошқага бериб юборибди.

Ёш Михаил буларга чидолмай, Мирзачўлга бош олиб кетади. Нега энди Мирзачўлга кетади? Чунки подшо ўша вақтларда шубҳали одамларни Мирзачўлга сургун қиласди. Улар бу хилват үлкада иссиқ-совуқдан, очликдан ва юқумли касалликлардан ўлиб кетардилар. Ёш Михаил ҳам бу ерларда ўлишни афзал кўриб, ўзини ўзи бу чўлга сургун қиласди. Аммо натижа бошқача бўлиб чиқади. У Мирзачўлдаги тажриба участкаси даласига агроном бўлиб ишга жойлашади.

У бу ердаги оғир меҳнатни кўриб юраги қаттиқ эзилади. Подшо амалдорлари бу тажриба участкасига кам маблағ ажратар, асбоб-ускуналар ҳам йўқ әди. Яхши нав уруғлар ҳақида ўйлаш эса ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмасди. Буни нега тажриба участкаси даласи деб атаганларига Бушуевнинг ақли етмасди.

Тажриба станцияси ишчилари Бушуевни ғамхур-меҳрибон ва уддабуронлиги учун ҳурматлашарди. уни ҳар қандай қўрқинчли тасодифлардан, аввало, унга безгак, вабо ва бошқа дардлар юқмасин деб жон куйдирадилар. Бушуев янги уруғ навини топганда ҳалқ унинг абадий хотираси ва миннатдорчиллик рамзи сифатида уни «Бушуев нави» деб атай бошлади. Бушуев ясаган плуг ҳам унинг номи билан аталадиган бўлди.

Бушуев камтар одам бўлганлигидан тез кунда катта обру қозонди. У бирор янгилик әшитиш ниятида кишлоқлардаги тўй маросимларига борар, одамларнинг суҳбатларини жон қулоги билан тингларди.

Шу тариқа у Тошкентда, ҳозирги Туркман бозори атрофида Веденский деган бир одамнинг зотдор сигир-

лари борлигини әшитиб қолади. Бушуев сурештириб Веденскийни топади. Ундан жайдари сигирни голланд буқасидан қочириб, дурагай етиштирганини билади. Ана шу наслдан тарқалган сигир жайдари сигирга қараганда күпроқ сут беради. Веденскийда бундай сигирлар йигирматача бұлиб, бир неча бузоги ҳам бор экан. Бушуев 1907 йили Веденскийдан тұққизта сигир сотиб олади. Булар орасыда «Голланд» лақабли битта буқа билан учта ғунажин бор әди.

У үз тажриба участкаси даласида мұжазгина чорвачилик фермаси ташкил қилиб, сигирларни күпайтириш пайига тушади. Аввало бүйі паст, қурама жайдари ҳұқизлар үрнига бақувват, йирик, янги насл ҳұқизлар етиштириш керак әди. Бу ишда у хийла муваффақият қозонади. У етиштирған зотдор қорамоллар орасыда голланд молларидан ташқари, швед моллари ҳам бор әди. У янги туғилған ғунажинларни деңқонларга сотади, сутини әса ишчиларга беради. Бушуев 1917 йили Мирзачұлдан жұнаб кетади. Деңқонлар у қолдирған сигирларни урчитиб, унға «Бушуев насли» деб ном берадылар.

Совхознинг далачилик бригадаси бошлиғи Юсуф ота шундай деди:

— Ҳаммамиз докладингизни мароқ билан тингладык. Бушуев деган олим ҳақида күп яхши гапларни айтдингиз. Мен шу одамнинг қозир қаердалигини билмоқчи әдим. Шуни айтиб берсангиз.

— Афсуски, у одам қозир тирик әмас. У 1936 йили, олтмиш ёшида дунёдан ўтган. Бу одам ҳақида гапирған билан гап тамом бұлмайди. У қишлоқ хұжалиги соқасида жуда катта олим ва мутахассис, истеъоддли тадқиқотчи, калби пок инсон әди. Бутун Туркистонда, хусусан Мирзачұлда катта обрү қозонған әди. Қылған меңнати зое кетмади, у халқ әътиборини қозонди.— Умидов бу үринде ҳалол меңнат қылған одам халқ орасыда обрү-әътибори ортиб бориши ҳақида гапирди.— Шундай қилиб, кейинчалик Бушуевни Туркестон республикаси ер ишлари соқасида раҳбарлық лавозимларига күтардилар. Уни Туркестон Марказий Ижроия Комитетининг аъзоси қилиб сайладилар. У Мирзачұл уезд ер-сув бошқармасига ҳам бошчилик қылди. Сүнг Туркестон Республикаси Ер Ишлари комиссари бұлиб ҳам ишлади. Бу олим қишлоқ хұжали-

гига доир күплаб китоб ва мақолалар ёзди. Бундан бүён биз дәхқончилик ва чорвачиликда шу олимнинг таълимотига амал қилишимиз лозим...

Умидовнинг бу доклади совхоз ходимларида катта таассурот қолдирди. Улар йигилиш охирида Олимовдан, одамлар учун ҳаёт мактаби бўладиган шу хилдаги йигилишларни тез-тез ўtkазиб туришни илтимос қилдилар.

Одамлар тарқалиб кетар экан, Шокиров йўл-йула-
кай яқинларига гўлдираб деди:

— Умидов аравани роса қуруқ олиб қочди-да. Шу Бушуев дегани нари борса, бир молбоқардир-да,— деди ва ҳамроҳларининг жавобини кутмай яна ўзи гап бошлиди,— бир неча йилдан бери Сирдарёда яшаб, бунаقا Бушуев деган одамни сира эшитмаганман. Тағин, олим эмиш-а...

Шокиров шунаقا ганимат фурсат келиб қолганда оғзига келганини қайтармасди:— Энди бизнинг директор ҳам ўзини олим ҳисоблаб, ҳамма нарсани олимлик андозаси билан ўлчамоқчи шекилли. Ҳали кўрасизлар, ҳамма нарсага Бушуевни тиқишириади... Ҳолбуки ҳали бизлар бу одамнинг кимлигини-ю ва нима ишлар қилганини аниқ билмаймиз. Агар у яхши олим бўлса, молларни асраш ва парвариш қилиш тўғрисида оқи-
лона йўл-йўриқ кўрсатиб кетган бўлса, нега молларимиз қирилиб, ерларимиз шўрдан қутулмайди? Ишқи-
либ, кунимиз Бушуев деган «билимдон» директорларга қолмасин-да.

Бушуев таълимотини яхши тушунган Умидов шу нав моллар етишириш устида кўп иш олиб борди. Бахтга қарши совхоздагина эмас, балки область миқёсида ҳам бу янгиликка панжа орасидан қаровчилар топилиб қолди. Баъзи одамлар, Мирзачўл шароитида жайдари молларни кўпайтириш керак деб «исботлашмоқчи» бўлса, республикамиздаги илм-фан муҳиблари амалдаги ютуқларга таяниб, Бушуев зотли молларни бир жойга жамлаб, парвариш қилиш ва урчиши соҳасида астойдил иш олиб бордилар; ниҳоят, бу зотдор моллар Сирдарё воҳасига жуда бои булиб чиқди ва уни кенг суратда урчиши керак, деган қарорга келдилар. Шу мақсадда Сирдарё райони марказида давлат насл-
чилик маркази очилиб, унда Бушуев зотли моллар етиширила бошланди. Албатта, бу ер ҳар қандай шароитга

чиdamли қорамол етиштириш жиҳатидан чор ҳокимияти давридаги тажриба станцияси даласидан анча фарқ қиларди. Бу наслни фақат қочириш йўли билангина урчитиб ва парвариш қилиб, маҳсулдорлигини оширибги на қолмай, балки маҳсус оғилхоналарда, алоҳида емашак билан боқиб, тўғри озуқа рациони ва бошқа бир қанча ветеринария-зоотехника тадбирларини амалга ошириш йўли билан ҳам маҳсулдор қилиш мумкин бўлди.

Агар бошда ёғ-гўшти учун қорамоллар етиштирилган бўлса, энди серсут ва семиз моллар етиштирила бошланди. Олимларнинг олиб борган жиддий ишлари натижаси үлароқ сўқимга боқилган буқалар ўн саккиз ойда аввалги тирик вазнига қараганда 61 процент ортиқ гўшт берадиган бўлди.

Бу ишларни кўриб борган Бобоев гарданини қашиб қолди: «Оббо, бу директор аввалги директорлардан бошқача чиқиб қолди-ку. Афтидан, ўзи катта олим ва ҳаётий тажрибаси ҳам зўрга ўхшайди. Ўзи яқингинада келган бўлса-да, бу томонларни жуда яхши билиб олибди-я. Чўл ва унинг бойлиги ҳақида бу қадар кўп нарсанни қандай билиб олди экан-а? Бундай директор билан ишласанг додга қолмайсан. Ундан ҳар қанча ўргансант арзиди...»

Умидов фермаларни тез-тез айланадиган бўлди. Унинг нияти фермаларнинг ишини йўлга қўйиш эди. Бунинг учун Вера Николаевна раҳбарлигида техминимум ўtkазиб туришга қарор қилинди. «Ферма мудирлари, сут соғувчилар, молбоқарлар ўз касбини яхши билиши керак» дер эди у икки гапнинг бирида.

У ҳар бир янгиликни яширмасдан, дарҳол совхоз ишчиларига маълум қиларди. Шу сабабли совхоз ва колхозлар берадиган Бушуев зотли ўн бешта ғунажин ва битта буқа хабарини ҳам ишчиларга тезда етказди. «Улар учун маҳсус бино ажратинглар, молларни ҳозирча ҳеч ёққа чиқарманглар, уларни маҳсус рацион билан боқинглар, тоза сақланглар, ҳатто молхонанинг остонасига латта солиб қўйинглар, кирганлар оёгини артиб кирсин» деб тайинлади.

Сўнгра, ўнтача йигит-қизни Сирдарёдаги зооветеринария курсига ўқишига юбориш кераклиги ҳақида кўрсатма берди.

Гўшт ва сут муаммоси ҳам асосий масала эканлиги-

Йинлаш керак. Агар керак бұлса унга яна иккита ёрдамчи ҳам бериш керак,— деди.

Эрини ландовур дейишгани Мұхаббатойға қаттық ботди. Шокировнинг шунаңа одати бор эди. У Мұхаббатойни жанжалкаш, Муродни ландовур, бошқани каллаварам деб, ҳар кимга ҳар хил лақаб түқирди.

— Молларингизни подага құшмагани учун ҳали Мурод ландовур бұлдими? У совхознинг ишини қиляпти.

Шокиров шолғомдек қизарыб кетди.

Аслида Муроднинг иши бошидан ошиб-тошиб ётарди, бир узи тұрт юздан ошиқ молни боқарди. Бу ишда унга бүрибосар Барбоси катта ёрдам берарди. У молларни түплаб юришга үргатилған эди. У доим әгасининг буйругини пойлаб, молларни әгаси күрсатған йүлга солиб юборарди. Бегона ҳайвонларни ғарамларга яқинлатмасди. Агар бирорта бегона мол ёки от совхоз молига яқинлашиб қолса, ҳайдаб юбормагунча тинчимасди.

Умидов тездан янтоқ ўрадиган бригада тузиш вазифасини қўйди. Чунки уч юз гектар ердаги янтоқ қовжирб ётарди. Директор бу вазифани Бобоевга топширди. Шунда Бобоев: «Умидов бу ишни менга топшириб, Шокировни нега ем-хашак тайёрлашдан озод қилдийкин? — деб үйлади. — Ҳолбуки, фермага ем-хашак Шокиров бошлиқ далачилик бригадаси тайёрлаши керак эди. Шокиров эса фурсати келди дегунча Умаровни тажигани тажиган. У бұлса яна Шокировнинг ишини енгиллаштириб қўйяпти». Бобоев, ниҳоят, үзини тутиб турға олмади:

— Агар ферма ходимлари янтоқ тайёрлайдиган бұлса, унда Шокиров нима қиллади? — деб юборди.

— Гапингиз тұғри,— деб аста гап бошлади Умидов.— Аммо далачилик бригадаси ҳозир ҳосилни йигибтериб олиш ва келгуси йилга тайёргарлик күриш билан банд. Унга ҳозир тегиб бўлмайди. Молларга қишлиқ ем-хашак тайёрлаш фурсати ўтиб кетди. Ўзимизда бор имкониятлардан фойдаланишимиз керак.

Умидов янтоқнинг түйимли озуқа эканлигини яхши биларди. Уни майдаланса, дони ем ўрнига ўтишини эшитиб, Бобоев ва бошқалар ҳайрон қолишиди. Янтоқ

уни гиёх унидан кура сервитамин булишини ҳам англашди. Чорвачилик тиним деган нарсаны билмайди. Күкламда болалатиш, ёзда эса пичан жамғариш, сұнгра қишига тайёрланиш ва ҳоказо...

Бу вазифалар Бобоев билан фермадаги бошқа ишчиларни анча үйлатиб қўйди, улар янги ишлар режасини тузга бошладилар.

III

Умидов ўз ваъдасининг устидан чиқиши учун меҳнатга янгича ҳақ тўлаш масаласини амалга ошира бошлиди. Бу ишчиларни янги-янги ютуқларга илҳомлантириш билан бирга, совхозни янада бақувват хўжаликка айланишида катта роль ўйнади.

Бундан руҳланган Юсуф ота бошлиқ далачилик бригадаси совхоз тарихида биринчи марта лавлагидан мўл-кўл ҳосил етиштирди. Лавлагининг таннархи ҳам анча пасайди. Бригадага пландан ошиқча топширган лавлаги учун қўшимча 50 процент устама маблағ берилди.

Ишчилар Умидовнинг иши билан гапи бир эканлигини тушундилар. Совхоз раҳбарлари бригада ва фермаларда ҳам меҳнатни қандай уюштириш устида үйлай бошлиashi.

Совхозда бўлган бир очиқ партия мажлисида янги-ча планлаштириш ва иқтисодий рагбатлантириш системасига ўтиш масаласи муҳокама қилинганлиги ҳам бежиз эмас. Йиғилишда Умидов гап олиб, шундай деди.

— Ишнинг сифатига қараб ҳақ тўлаш, планни ошириб бажарганлиги учун қўшимча ҳақ тўлаш, қорамоллардан кўп бола олган, сут, пичан ва бошқа нарсалардан пландан ортиқча ҳосил етиштирганлиги учун натура йўли билан ҳақ тўлаш масаласини айрим кишилар ва ҳатто баъзи раҳбарлар тушунмаяптилар. Бу система асосида ишлаш совхоз мулкини талон-торож қилиш бўлмай, аксинча, бунинг коллектив учун ҳам, совхоз учун ҳам фойдали эканлигини кўрасизлар. Уч юз гектар ердаги янтоқ бекордан-бекорга қуриб, йўқ булиб кетарди. Янтоқни ўриб олиш ҳақидаги таклифни сут фермаси колективи зўр қувонч билан кутиб олди, ҳозир у ерда ишлар қизиб кетди.

— Сиз уларниң мәхнатига бошқача ҳақ тұлайсизми? — луқма ташлади Шокиров.

— Үртөң Шокиров, шуны билиб қўйингки, агар да-лачилик бригадаси ҳамма янтоқни ўриб ололса мен әмас, сиз ҳам алоқида ҳақ тұлаган бўлардингиз. Ахборингиз учун. Умидов спрашеникдан бир ерини ўқиб берди, — долларб пайтда совхоз директорига қўшимча бир ойлик майдорда ҳақ туласаб бўлса ҳам ем-хашак тайёрланш учун теновзат берилади деган гап бор. Буни ҳеч ким билмагандо ҳам сиз яхши билишингиз керак. Агар билганингизда молларимиз ҳозир оч қолмаган бўларди.

— Натор кўнгаликларда иски йилга мўлжаллаб ем-хашак тайёрлайдилар, бунинг устига страховий фонд деган нарез ҳам бор. Бизни эса тайёрланган хашак нари борса зурек ун обига стади. Кўп майдонлардаги ем-хашак оғтогоди кўнгликовкараб этибди. Совхоз раҳбарлари буни ҳизнишадими? — деди тутиқиб Вера Николаевна.

Шокировнинг дами ичига тушиб кетди.

Сўнг Умидов солос бостиришини тезлаштириш тўғрисида ташнирди. Бунинг учун ишмай қолган полиз экинлари, маънавийдори сўтаси, қовоқ, лавлагидан фойдаланиш нераккитони ҳам уқтириди. Бу вазифа агроном билди мөмнинин юланди.

Наторлишдан кейин, Шокиров Умидовнинг кабинетига көроб қолиб у болди бақамти гапланиди. Шокиров, авар Вера билди оқиблалари тил биринчириб, кўпчилик олдида уни шарманда қилиш ишитида бўлишса, ўзининг боғичаси «Бул тутинини дангал айтди. Умидовнинг майдониниң ҳубоби»: «Канча йўл тутган бўлардингиз?» деган оқибласи, Шокиров бирнас жим тургач, қўрқишини ойнайди. «Сининг тўғрингизда кўп нарсаларни сурисотириб билиб олдим. Агар шу гапларни тегинди тошкен хотирига мальум қўйсан, мендан гина келаман!».

Совхозда бола чақасиз, ёлгиз ўзи яшаган Умидов Вера Николаевна билди кабинетда соатлаб ўтиармиш... Гоҳо уни машинада қаёққадир олиб кетиб, алламаҳалда олиб келармиш... Вера бундан уч кун бурун унинг уйидан йиглаб чиқиб кетган эмиш... Умидов ўзининг сирли ишларини яшире да, ойни этак билан ёпиб бўлмас эмиш... Агар уни совхоз ишларини издан чиқар-

ди, деб ишдан олиш мумкин бўлса, майший бузилган-лигининг узи ишдан олиниши учун кифоя эмиш...

Умидов Шокировнинг гапларини астойдил тинглади ва унга миннатдорчилик билдириди.

Шокиров ҳайрон булиб қолди. «Мен уни шарманда қилмоқчиману, у бўлса менга миннатдорчилик билдирияпти-я».

Шокиров Умидовнинг пайига тушиб минг таъқиб қилса-да, одамлар ўртасида бўлмағур гаплар тарқатса-да, барибир, коллектив Умидовнинг Вера билан бўлган муносабати совхоз ишларини яхшилашдан бўлак нарса эмаслигини яхши биларди. Умидов ҳар гап орасида Шокировга, фақат мен сизга ёмонликни раво кўрмайман, деб шама қиласарди. Ким ҳақ, ким ноҳақлиги ни кейин кўрамиз. Чорвачилик ва фаллачилик совхози бўлган хўжалик эса ўз тўғри йўлидан бораверади.

Шокиров Умидовнинг олдидан гангиб чиқди. Шундан кейин у Веранинг эри — бригада бошлиғи Жўраевнинг уйига борди.

Жўраев Шокировнинг нимадандир хафа эканлигини, қиттак-қиттак отишга тоби қалайлигини сўради. Шокиров рози бўлди. Улар рюмка кетидан рюмка буштишиди. Кайфи ошиб қолган Шокиров аста тилга кирди:

— Сен мени яхши танийсан-а, огайни?

— Бўлмаса-чи... Хўш, нима гап? — сўради Жўраев.

— Гапимга кирсанг, хотинингнинг пайдан бул. Бўлмаса қуш қўлдан кетади,— деб, кетмоқчи булиб Шокиров ўрнидан қўзгалиб қўйди.

Жўраев уни жойига ўтиргизди ва ундан хотини ҳақида батафсил гапириб беришни илтимос қилди.

Шокиров Умидовга айтган гапларига яна бошқа гапларни қўшиб-чатди.

— Энди нима маслаҳат берасан? — шошиб-пишиб сўради Жўраев.

Шокиров ароқ симириди ва қўлини Жўраевнинг елкасига қўйиб, Умидовга бас келиш қийинлигини уқтириди. Коллектив ўртасида норозилик туғдириб, уни қочишига мажбур қилишдан бошқа илож йўқ. Бу ишни шундай қилиш керакки, у шубҳаланиб юрган кишиларидан эмас, балки энг яқин дўстларидан кўрсин. Шокиров Жўраевга иш юзасидан Умидовнинг кабинетида бир жиқиллашиб олишини ҳам тайинлади. Бунинг учун

Шокиров менга кун бермай қўйди, уни қиласан, буни қиласан, деб қисталанг қилгани-қилган, ишчи кути этишмаслиги билан унинг иши йўқ, деб айтишни ҳам тайинлади. Қўшни совхозлардан ишчилар олиб келмасак бўлмайди, деб Умидовни чалғитиш кераклигини ҳам айтди.

Шокиров Жўраевнинг бу гапларга жон-пони чиқиб: «Мен унақа директорга курсатиб қўяман!» деганини ёшитди. Энди Шокиров унинг иззат-нафсига тега бошлиди:

— Мени-ку совхоз директорлигига қўймаганлари майли-я, сени нега директор қилишмади? Нима, ё сен арзимайдиган одаммисан? Ахир сен катта колхозга раис бўлгансан-ку.

Жўраев: •Ха, бир вақтлар раис бўлган эдим, аммо худди шиншининг оғзидағи пўкақдек отилиб кетганди. Жўраевнинг бу гапларга бошлиди.

— Майли, хафа бўлма, мен бор жойда доғда қолмайсан. Хайр, саломат бўл? — деб Жўраевни чалғитиб Шокиров чиқиб кетди.

Ўша куни Вера идорадан кеч қайтди. Келса болалари ухлаб қолибди. Жўраев эса ўзини телевизор курниб ўтирганга солди.

Жўраевнинг хўрозникидек қип-қизил юзи ароқ таъсиридан бўғриқиб кетганди. У кўзларини ола-кула қилиб хотининг хунук қараш қилди. Вера ўзини босиб, устки кийинмини ечди-да, ойна олдига бориб соchlарини тузатди, сунг эрининг ёнига келиб:

— Нега шу вақтгача ухламай ўтирибсиз? — деб мулоимлик билан суради.

— Хотини ҳадеб идорада иш билан қолаверадиган эрнинг кўзига уйқу келар эканми? — истеҳзо-ла деди Жўраев.

— Гапингиз қизиқ-ку. Мен ўйнаб юрганим йўқ.

— Ҳали ҳам ўйнаб юрибсан деяётганим йўқ! Яқиндан бери янги директор билан икковинг роса ишчан чиқиб қолдиларинг-да. Катта-катта масалаларни икковинг ҳал қиляпсанлар! Бошқаларнинг ақли етмайдида! — бақириб ўйни бошига кўтарди Жўраев.

— Э, ҳали гап бу ёқда денг. Наҳотки уч боланинг онаси шундай ярамас йўлга кирса! Мени ўзингиз билан тенглаштирманг! Икки болангиз билан хотинингизни ташлаб, саёқ юриб кетганингиз эсингиздами?

— Ўтган гапларни қўй. Тўғрисини айт: Умидов билан муносабатинг қандай?

Бу аҳмоқона саволга Вера нима дейишни билмай қолди. «Умидов тиниб-тинчимайдиган одам, у совхозни ўпирлишдан олиб чиқмоқчи. Ҳозир унга ёрдам бериш керак, амалий ёрдам керак», деса ҳам барибир Жўраевни ишонтира олмайди.

— Қани, айт-чи, бундан уч кун бурун қаерда ётиб қолдинг? — Жўраев хотинини қисти-бастига олди.

— Фермада. Нимайди?

— Нимайди эмиш-а! Нега эрталаб директорнинг уйидан йиғлаб чиқдинг!

— Вой, худойим! Нақадар разолат! Сиз менинг эримсиз. Ўн йилдан бери сиз билан биргаман. Шундай дейишга қандай тилингиз борди? Агар бор гапни айтиб бермасангиз, мен сизни тинч қўймайман, шармандангизни чиқараман. Айтинг, бу гапларни сизга ким ўргатди. Мен ўша куни уйга келганимда сиз ухлаб ётувдингиз-ку. Турмушимизни кимлар бузмоқчи?.. Айтинг!

Вера ўзини босиб олиб, ўша кечада нима бўлганини батафсил гапириб берди. Ўша куни наслдор бир сиғир тусатдан касал бўлиб қолади. Буни кўрган зоотехник Адолат тунда мен билан бирга навбатчилик қилинг деб илтимос қиласди. Мабодо у нобуд бўлса, бу совхозга жуда қимматга тушишини айтади. Сигир борган сари оғирлашади. Вера унга укол қиласди, дори-дармон беради. Бу фойда бермайди. Эрталабга яқин сигир жон талvasасига тушиб қолади. Уни сўйишдан бошқа чора қолмайди. Қоида бўйича бундай вақтларда директорнинг рухсатисиз наслдор молларни ҳеч нарса қилиб бўлмасди. Бу масалани тезда ҳал қилиш учун Вера эрталаб фермадан Умидовнинг уйига борган эди.

Жўраев бу гапларга чурқ этолмай қолди. «Майли, ким айборлигини кейин кўрамиз», — деди. Виждони пок Вера ҳам: «Майли, пешанамиздагини кўрамиз», — деб қўйди.

Жўраев Умидовнинг ғлдига ҳаяжонланиб кириб келди. Умидов: «Ўзи нима гап?» — дейиши билан, у чанг шапкасини зарда билан столга улоқтириб, Шокикиров ўргатгандай қилиб: «Агроном билан ортиқ ишлолмайман. У аравани қуруқ олиб қочадиган одам. Шундай долзарб кунларда тиним билмай ишласам-у,

менга дүк-пүписа қылса-я. Сиздан утиниб сүрайман, менинг бригадамни ўзингиз бошқарсангиз», — деди.

Умидов, бундай қилолмайман, деди. Чунки құл остидаги кишиларга бефарқ қаращ унинг табиатига зид әди. У Шокиров билан гаплашиб, икковини келиштириб қўйишга ҳаракат қиласман, деди.

Бундай жавобни кутмаган Жўраев ҳайрон бўлди. Шу вақт хонага Шокиров кириб қолди-да, қўл қўйиш учун Умидовга бир қофоз узатди. Умидов унга қўл қўйди. Шокиров энди кетмоқчи бўлган эди, Умидов уни тұхтатиб, Жўраев сиздан хафа, деди. Шокиров эса Жўраевга қарамай: «У билан ишлаб бўлмай қолди. У йиғим-терим авж олган шундай кунларда бўлмағур баҳоналар қиляпти», — деди зарда билан.

— Майнабозчиликни йигиштиринг, директор олдида рост гапни айтниг: нега мени доимо лақиллатмоқчи бўласиз? Муддаонгиз нима? — тааддид қилди Жўраев Шокировга.

— Нега бақирасан! Сени колхоз раислигидан шунақа қилиқларинг учун олиб ташлашган экан-да. Ҳозир сен нари борса бригадирсан. Ишлаш керак, ишлаш!.. — Жўраевнинг оғзига гап билан уриб, уз фикрини охирига етказмай, тўхтади у.

— Ким билан ишлайман. Ишчи кучи етишмайдику! — деди бақириб Жўраев.

— Бу ишларинг яхшимас, — деди Умидов уларни тинччишига уриниб, — бу ер кабинет-а.

Сўнг улар бригада ишини босиқлик билан муҳокама қила бошладилар. Улар Умидовга, йиғим-терим бригадаси ишни қизитиб юборди, агар бу бригадага қўшимча ишчи кучи берилмаса, ҳосил нест-нобуд бўлиб кетади. Мол-ҳол қишида ем-хашаксиз қолади, деб ваҳима солдилар. Қўшимча ишчи кучи олишнинг эса фойдаси йўқ әди. Совхозда ортиқча одам йўқ. Умидовнинг энди нима қилдик, деган гапига, Жўраев баъзи вақтларда йироқ совхозлардан ишчи кучи ёллаб ишлатган вақтларимиз ҳам бўлган, деди.

Умидовнинг, агар бизнинг ишчиларимизни бошқалар авраб ишлатса унда нима бўлади, деган тапига, Жўраев шоша-пиша деди:

— Совхозимиздан кетиб қолаётганлар оз дейсизми. Бунга чора тополмаяпмиз-ку. Бошқа совхозлардаям аҳвол шунақа-да...

— Хуш, унда нима қилиш керак? — суради Умидов.

— Машина ёки бир неча бричка жұнатиш керак, — деди Жұраев.

Бу гапга Шокиров хахолаб кулиб юборди, Жұраев эса:

— Нимаси кулги бу гапнинг! — деди аччиғи чиқиб.

Шокиров, ҳозир совхозда транспорт етишмаслигидан Жұраевнинг хабари йүққа үхшайды, деб зақарханда қилди. Кейин ҳозирча битта бричка юбориб, бир оиласы олиб келинса нима бұлади. Агар шунақа оиласылар күпроқ топилса, кечаси машина юбориб олиб келинади, деб маслағат берган бұлды. Шу билан бирга, Шокиров транспорт танқислигини назарда тутиб, «Гордий»ни берадиган бұлды.

Бу гапни Жұраев дарҳол илиб олиб, Умидовга бу өқилона маслағат, деди. Шу тариқа ғаламислар турлитуман ёлғон-яшиқ гаплар билан Умидовнинг бошини айлантириб, бу ишга күндирилар ва йироқ совхоз ишчиларини йўлдан оздирив, олиб келиш ишига уни ҳам шерик қилдилар.

Аравакаш әрталаб иккى от қўшилган бричкада «Пахтаорол» совхозига жўнади. Тушда бир чойхонада чой ичди, отларга ем бериб, сугорди-да, яна йўлга тушди. Йўлда борар экан, Жұраевнинг: «Одамсиз қайтма, эсингда бўлсин, ҳар оиласа ҳеч бўлмаса иккита ишлайдиган одам бўлсин...» деган гапи қулоғидан нари кетмади.

Шунда аравакаш «Ишчи ҳали экин-тикинларини йиғиштириб, совхоз билан ҳисоб-китоб қилмасдан бошқа жойга кетадими?» деган эди.

Ниҳоят, қаҳрамонимиз кечки пайт «Пахтаорол» совхозининг чекка бир қишлоғига кириб келди. Илгари у бу жойларда бўлгани учун қишлоқ унга таниш эди.

У қамчиси билан бир эшикни тақиллатди. Уй эгаси чиқди. Аравакаш унга бричкаси бузилиб қолганлигини баҳона қилди, иложи бўлса, бир кеча тунашга жой берсангиз, деди. Уй эгаси рози бўлди. Унинг ҳеч иккимай рози бўлганига аравакаш ҳайрон қолди. Ичида: «Ишқилиб бир балога гирифтор қилмаса бўлгани» деб ўйлади.

— Отларга жой топиладими? — хавотирланиб суради аравакаш.

— Жой топилади, ем-хашак ҳам бор. Қорнингизни түйдириб, дамингизни олинг... — аравакашга қарамай, отларни бричкадан чиқара бошлади уй эгаси.

Буни кўриб аравакаш янада хавотирланди. Негадир уй эгаси унга ёқинқирамади. Унинг: «Йўл бўлсин?» деган саволига жавоб берив, мезбоннинг фикрини билмоқчи бўлди.

— Қозогистонга, ўша ерликман,— деб алдади аравакаш.

— Унда бўлса, бола-чақам билан мени ўша ёққа обориб ташласангиз... Қозогистонда яшаш ниятим бор.

Бу гапни эшитиб, аравакаш ўзини ёнгил ҳис қилди. Уй эгасига улов кераклиги унинг ҳозирги гап-сўзидан маълум бўлди.

— Жоним билан обориб қўяман,— деди аравакаш.

У ҳовлига кириб, ҳайрон бўлиб қолди. Ҳовли одамзод яшайдиган жойга сира ўхшамасди. Унда гиёҳ асари йўқ эди. Аравакашнинг ҳайрон бўлиб турганини сезган уй эгаси: «Ёзда кўчиб келганман, ҳали қўлим тегмади...» деди. Кейин у бу совхозда ишлашга ҳуши йўқлигини қистириб ўтди гап орасида.

Энди бу одамни алдаб олиб кетишим осон бўлади деб хурсанд бўлди аравакаш. Вақтни бекор ўтказмай деб ўзининг келиш сабабини ҳам айтди. Буни эшитиб уй эгаси янада хурсанд бўлди.

Ҳисоб-китоб масаласи қандай, эртага кечқурун йўлга тушсак бўлаверадими, деган саволга, «Совхознинг мендан қарзи унчалик кўп эмас, ҳисоб-китоб қилиб ўтирмасам ҳам бўлаверади. Ҳатто ҳозироқ йўлга тушаверсак бўлади», деб ишонтирди аравакашни.

Шундай қилишмоқчи бўлишди.

Кечки топириқдан сўнг бригадир уйига қайтаётиб, кўчада турган бричкани кўриб, ичкари кирди. Кетишга тараддуд кўраётган қочоқни кўриб анқайиб қолди.

Аравакаш ҳам турган ерида туриб қолди.

— Қаёқдан буладилар? — сўради бригадир аравакашдан.

Аравакаш ёлғон гапириш ноқулайлигини пайқаб, нима учун келганлигини очиқ айтди.

— Кимни олиб кетмоқчи бўлганлигинизни биляп-сиизми? — сўради бригадир.

— Йўқ,— деди аравакаш.

Шунда бригадир бу одамнинг умр бўйи бирор жойда ҳалол ишламаганлиги, бир ерда беш-олти ойдан ошиқ турмаслигини айтди. У бир неча марта қамалиб ҳам чиққан экан. Совхоздан, ишчилар ёрдам кассасидан анчагина қарзи бор экан. У бригадада, ҳатто бўлимда отнинг қашқасидек маълум одам экан.

Бу гапни эшитган аравакаш ҳайрон булиб қолди.

— Бошлиқларингизга бориб айтинг,— деди бригадир кетаётиб,— совхоздан одамларни авраб олиб кетиши ман этилган, буни районга маълум қиласман. Отларингизни директорингиз директоримиз билан учрашганда оласиз.

Аравакаш нима қиласини билмай, ҳайрон булиб қолди. Энди уйига қандай етиб олади? Бу одамнида тунаб қолсинми ёки қоронги кечада йўлга тушаверсинми? Совхозга от-аравасиз қандай кириб боради. Бу уйда қолиш ноқулай. Ё чойхонада тунаб, эрталаб директорга учрашсинми? Ворди-ю, совхоз директори уни милицияга бериб юборса, унда нима деган одам бўлади? Яхшиси, биронта йўловчи машинада ўз совхозимга етиб олганим маъқул, деган қарорга келди аравакаш.

У минг машаққат чекиб, эрталаб совхозга етиб келди-да, тўғри Жўраевнинг олдига борди. Шокиров ҳам ўша ерда экан. Улар курсанд булиб:

— Мунча тез қайтдингиз?— дейишиди.

— Ишлар чатоқ...— деди аравакаш чуқур нафас олиб.

Аравакашнинг қийналгани башарасидан билиниб турарди. Унга чой узатишди. Ишнинг оқибати хунук бўлганини эшитиб, Жўраев билан Шокировнинг аъзойи бадани жимиirlаб кетди.

Умидов уларни койимади, бунинг учун учовлари «Пахтаорол» совхози ёки район раҳбарлари олдида жавоб беришларини айтди. Бу нарса Шокировнинг хаёлига ҳам келмаган эди. У директорсиз мен нима ҳам қиласдим, деб бутун айбни унга тункамоқчи эди. Жўраев эса Шокировга қараб кўз қисиб қўйди.

Умидов кун бўйи ўз ёғига узи қовурилди. Совхоз икки от ва бир аравадан ажралди. Энди у қайси юз билан «Пахтаорол» совхозига бориб, от-аравани қутқариб олади. «Пахтаорол» совхозининг директори от-аравани осонликча бермас... У, албатта, нима гаплиги ни сўраб-суриштиради. Шунда у нима дейди.

Кечга яқин отхона олдида одамлар чувиллашиб қолишиди.

— «Гордий» қочиб келяпти,— деган овозлар эши-тилди.

Отниңг әгари қорнига осилиб, қора терга тушиб кет-ған зди.

Отбоқар уни дарқол бинога олиб кириб, устига ёп-ғич ташлади.

Бу воқеани Умидов әшитмади. У ҳамон хаёл суриб, қора қидирарди.

Орадан бир оз ўтгач, от чоптириб, икки отлиқ келди. Улар отхона олдида бири олиб, бири қўйиб «Гордий»ни мақтаётган одамлардан:

— Эгарли бўз отга кўзларингиз тушмадими? — деб сурасди.

— Ҳа, кўрдик,— деди Жўраев пичинғ қилиб,— әгасига топшириш учун отхонага боғлаб қўйдик.

Отлиқлар суюниб кетишиди. Улар отхонага кириш-ған зди, битта отини олиб қўйишиди. «Совхознинг ик-кинчи оти билан бричкасини қайтариб берсаларингиз отларингизни оласизлар», — дейишиди.

Отлиқларнинг ялиниб-ёлворишлари фойда бермади. Иккаласи бир отга миниб, орқаларига қайтишиди.

Шокиров билан Жўраев бу гапни тезликда Умидов-га етказмоқчи булишиди. Шу вақтда Олимов директорни танқид қилаётган зди. Шокиров билан Жўраевни кўриб Олимов уларга:

— Собиқ директорни палид йўлга бошлаганларинг етмасмиди, энди бу директорни ҳам чалғитмоқчимисизлар? — деб ўшқирди. — Бу қилмишларинг учун эртага партбюорда жавоб берасизлар.

Илоннинг ёғини ялаган Шокиров пинагини бузмай: «ишлар жойида, «Пахтаорол» совхознинг таноби қўли-мизда, бир от келди, эртамас индинга иккинчи от билан бричка ҳам қўлимизга киради» деб қўйди.

— Қандай қилиб? — суради Умидов.

Жўраев билан Шокиров оғизларини кўпиртириб «Гордий»нинг қочиб келганини ва уз ниятларини сўз-лаб беришиди.

Умидов билан Олимовнинг назарида ишлар янада оғирлашгандек туюлди. Улар чарчаган отлиқларга машина юбориб, олдириб келиш тўғрисида буйруқ беришиди.

Кечки сұхбат вақтида улардан «Гордий»нинг қочиб келиш воқеасини сұраб-сурыштиришди. Отлиқлардан бири бу воқеани кула-кула сұзлаб берди. Отни олиб қўйған бригадир эртасига «Гордий»ни миниб, ариқ қазиётгән ишчилар олдига борибди. У отдан тушмай, бу отнинг қандай қўлга тушганини сұзлаб бера бошлабди. Отни куриб одамларнинг оғизлари очилиб қолибди.

Бир вақт бригадир эркалатиб отнинг сағрисига бир шапатилаган экан, от бир силтаб, устидаги бригадирни ерга йиқитиб қочибди. Жон-пони чиқиб кетган бригадир унинг кетидан икки отлиқни чоптирибди.

Эртасига Умидов отликларга бор гапни айтди ва «Пахтаорол» совхози директори номига хат ёзиб, узр сўради, ушлаб қолинган от билан бричкани қайтариб беришларини илтимос қилди. Ҳалиги аравакаш ҳам отлиқларга қўшиб жўнатилди.

Ишлар кўнгилдагидек бўлди. «Пахтаорол» совхозининг директори Умидовнинг хатини тўғри тушунди.

От билан бричка қайтариб берилди.

Бу машмашанинг оқибати хайрли тугаган бўлсада, аммо Умидов анчагача ўзини кечиролмай юрди.

* * *

*

Кеч кирди. Кундалик қилинган ишлар кўриб чиқи-либ, эртанги кунга топшириқ берилади. Топшириқлар бўриб бўлингандан кейин Умидов билан Олимовдан бошқа ҳамма уй-уйига кетади.

Қўрада майин кузак шабадаси эсар, тўлин ой юлдузларни бирин-кетин осмон сайрига олиб чиқмоқда эди.

Алламаҳал бўлиб қолган эса-да, кабинетда Умидов билан Олимов совхознинг истиқболи тўғрисида бош қотириб ўтиришарди.

— Бу ҳозирча бир лойиҳа. Бизнинг шароитимизга тўғри келмаган жойларини олиб ташлаб, янгилари қўшилса бўлади. Бундан ташқари, бу лойиҳани ҳамма бўлим ва фермаларда муҳокама қилиш керак,— деди Умидов.

Бу лойиҳа бўйича совхоздаги барча сигирлар икки йил ичида янгиланиши керак эди. Бу бир жиҳатдан, кўп маблағ талаб қилса, иккинчидан, моллар учун кўп-

лаб озуқа сотиб олиш керак бўларди. Молларни молхоналарда боғлиқ ҳолда боқиш учун эса алоҳида шароит керак эди.

Умидов тамоман бошқача фикрда эди. У совхознинг етти йиллик фаолиятини таҳлил қилиб, доим давлат тасарруфида бўлиб, ҳар йили мол туёғидан катта заар кўргандан кўра, ишда бурилиш ясаб, совхозни ўпирлишдан олиб чиқиш керак, деган фикрда эди. Бунинг учун вақт, маблағ, техника ва кадрлар керак эди. Умидов қийинчиликлардан асло қўрқмади.

Умидов докладнома гарчи ҳали министрликка юборилмаган бўлса-да, бу соҳада совхозда ҳозирданоқ баъзи ишлар қилинаётганлигини айтди. Масалан, янги система бўйича ҳақ тұлаш, камҳосил жайдари молларни сотиб, уларнинг ўрнига Бушуев бузоқларидан сотиб олиб, уларни маҳсус усулда боқиш каби ишлар қилинаётган эди.

Совхоз ишчилари бу ишни маъқуллашди. Умидов бу масала устида министрликда шов-шув бўлиши мумкин деб Олимовни огоҳлантириб қўйди.

Умидов бу ишларда мени ҳимоя қиласиз деб Олимовга тайинлади. Чунки министрликдаги айрим раҳбарлар орасида совхоз директорларининг мустақиллигини камситадиган одамлар топилиб қолиши ҳам мумкин эди.

Олимов Умидовнииг бу ташаббуси ва матонатини қутлади ва партия ташкилоти бу ишда доимо уни қўллаб-қувватлаяжагини айтди.

Сўнг улар совхознинг хар бир тармогида қилинадиган ишларни муҳокама қилишди. Шунда иккى раҳбар йигим-теримни сифатли утказиш билан бир қаторда, келгуси йилга тайёргарлик куравериш керак деган тўхтамга келишди. Капитал ва жорий ремонтга ажратилиган, лекин материал йўклиги туфайли йил бўйи фойдаланилмаётган маблағларга асбоб-ускуна сотиб олиб, бинолар қуриш, боғ барпо этиш ва зотли моллар сотиб олиш ҳақида министрдан ижозат олиш учун хат ёзиши.

Иккى раҳбар бир неча кун совхоз фаолиятини шу зайлда муҳокама қилишди. Бухгалтерлар, иқтисодчилар ва план бўлимлари ҳам яхшигина ишлашди. Улар кўп тармоқли совхознинг фаолиятини ҳисоблаб чиқиш учун неча кунлаб чўт қоқиб, арифметрнинг қуло-

ғини бурадилар. Улар Умидовнинг билим доираси кенглигига ва қишлоқ хўжалигининг ҳамма тармоқларидан ҳабардор эканлигига қойил қолишиди.

Ҳисоб-китоб масаласи тугагач, ҳар куни кечқурун ферма ва бўлимларда тўпланиб, план ва расчёtlар муҳокама қилинди. Натижада совхоз ишчиларининг ўз хўжаликларини намунали хўжаликка айлантириш учун жонбозлик курсатишашётгани иёботланди. Аммо баъзи ишёқмаслар:

— Бундай катта планни бажариш учун узоқ йиллар жон куйдирish керак,— деб ишни пайсалга солмоқчи бўлишди.

Аммо Умидов ундейларнинг танобини тортиб қўшишни биларди.

— Совхознинг барча тармоқларини бараварига ривожлантириш учун мўлжалланган мазкур план, албатта, дангасалар, ишбузуқилар ва қўрқоқлар учун тузилмаган. Партия, комсомол ва касаба союз ташкилотлари илгор кишилар ёрдамида бу планни икки йилда бажаради.

Ҳамма бир овоздан «Тўғри!» деди.

Оммага суюнган Умидов министр номига совхоз ишлари ва унинг истиқболи ҳақида докладнома ёзди. Докладнома ишлаб чиқариш кенгашида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Шокиров докладноманинг бирон моддасига эътиroz билдирамади, ёқлаб ҳам гапирмади. Ўзининг совхознинг тақдиди учун директор билан баб-баравар жавобгарлигини ҳис этмади. Аммо ҳамма нарсани диққат билан тинглади. Бу Умидовга қизиқ туюлди.

Юсуф ота Шокировга узоқ тикилиб туриб, ўртага савол ташлади:

— Биз кексалар совхозимизни тузган, унинг дастлабки директори бўлган Ғани ота шунаقا бир планни бир вақт ўқиб берганини яхши биламиз. У бу ерларни бсғ-роғларга айлантирамиз деб бизни хурсанд қилган эди. Ўша план қани?

Шокиров Юсуф отанинг гапини бўлиб, бунаقا планни эшитганимиз ийӯқ, деди.

— Шунаقا бир план бор эди!— дейишиди совхознинг эски ишчилари бараварига.

Сўнг Юсуф ота билан баъзилар бу планни йўқотиб юборишган бўлса керак, дейишиди. Кейин Юсуф ота ўз

бригадасини мисол қилиб, табиат инжиликлариға қарши кураш, совхозни гуллатиш ҳақида гапирди. «Бизнинг зиммамизга халқимизни гүшт, сут билан мұлкүл таъминлаш вазифаси тушган, деди.— Бас, шундай әкан, биз бу партия ва халқ топшириғига фидокорона мәҳнат билан жавоб беришимиш керак. Совхозимизда мәҳнат қаҳрамонлари, шарафли мәҳнат ташаббускорлари бўлиши лозим. Инсон ўзидан яхши ном қолдириши керак. Биз она еримизни ардоқлашимиз, унинг муносиб әгалари бўлишимиз лозим».

Юсуф ота, совхознинг олти йигити Совет Армияси сафида хизмат қиласпти, деди. Совхоз уларга ғамхұрлик қилиши керак. Улар армия хизматини тамомлагач, тұғри совхозга қайтишсін. Бултур армиядан бўшаган беш йигит совхозга келган эди, биттаси ҳам бу ерда қолмади, бошқа совхоз ёки шаҳарга кетиб қолди.

Сўнг у совхознинг дастлабки директори Ғани отанинг ўғли Тоҳир ҳақида гапирди. Тоҳир армияга кетгүнича бригадир эди. У шофер, тракторчи, шур ернинг тишини биладиган яхши ишчи эди. Юсуф ота кадрларни кўз қорачигидай асраш, уларга шароит яратиб бериш лозим деганида, Умидов қувониб кетди.

Юсуф отанинг бригадасидаги бир мўйсафид Шокировга ўдағайлади:

— Нега сен бригадиримизни куролмайсан? Доим уни чалмоқчи бўласан. Бундан етти йил бурун Ғани ота унинг ҳақида нима деганини биласанми?— чол батафсил баён қила бошлади:— Юсуф ота совхознинг ташкилотчиларидан бири. У ўз бригадирига, топшириқни менга әрталаб әмас, кечқурун бер, дерди. У каллаи саҳарлаб ўрнидан туриб, катта кетмени қўлида, далага йўл оларди. Қуёш кўтарилгунча мўлжалдаги ишни бажариб қўярди. Унинг кетменини экскаваторнинг ковши деган афсона ҳам тарқалганди. У билан ҳеч ким тенглашиб чопиқ қилолмасди. Унинг қилган чопигига одамларнинг ҳаваси келарди.

Чол ниҳоят қатъий қилиб деди:

— Энди узи бригадир бўлгач, одамлардан ҳалол ва яхши ишлашни талаб қиласпти. Шу сабабдан иши ҳам яхши, ҳосили ҳам юқори, Юсуф отанинг Шокировга нега ёқмаётгани қизиқ бўлди-ку.

Юсуф ота етмишга кириб қолган, барваста, юришлари шахдам, икки юзи қип-қизил, қора қош, соқол-

мўйлови оппоқ, қарашлари маънодор, ёқимли чол. Унга ҳамманинг ҳаваси келарди. Қариганида бошига мусибат тушади. Хотини олти ойдан бери касал, ёлғиз ўғли урушда ҳалок бўлган. Шундай бўлса-да, икки йилдан бери бригадирлик қиласди. Рўзгору бемор хотинига ўзи қарайди.

Умидов бир куни суҳбатлашмоқчи бўлиб Юсуф отани уйига таклиф қилди. Улар ярим кечагача мириқиб қаймоқлашишди. Умидов, одамлар ҳақида, меҳнат интизоми ҳақида сўраб-суриштириди.

Юсуф ота кўпни кўрган, кўп нарсага ақли етадиган одам. Умри ҳалол меҳнат билан, қийинчилик ва машиқатларни бартараф қилиш билан ўтган. Аммо юрагидаги дардини ҳеч кимга очмасди. У ернинг тилини яхши билар, бир қарашда бу ердан қанча ҳосил қутариши мумкинлигини айтиб берарди.

У маслаҳатгўй одам. Бошига бирон ташвиш тушган одам ундан йўл-йўриқ сўрайди. Чол унга оқилона маслаҳат бериб, дардини енгиллаштиради. Агар ҳамсуҳбати ноҳақ бўлса, дангал юзига айтади.

Собиқ директорлар сингари қўшни хўжаликлар билан муносабатни яхшиламаётгани учун Юсуф ота Умидовга айб қўйди. Қўшни хўжаликлар бақувват хўжалик. Совхозга ёрдам беришлари мумкин. Бу зонадаги хўжаликларни бир-бирига боғловчи кўп омиллар бор: ариқ ва каналлар ўртада, зовур умумий, электростанция, кўприк ва йўллар ўртада ва ҳоказо. Агар илгариги директорлар ўз феъл-атворлари, ёлғон ваъдалари билан қўшничиликни бузиб келишган бўлса, энди бу аҳволга барҳам бериш керак эди.

Чолнинг бамаъни гаплари Умидовга маъқул тушди. Чол қўшни хўжаликлар агар пахтачиликни ривожлантироқчи бўлишса, бизнинг совхозимиз дон, шоли ва чорвачиликни ривожлантириши лозим. Аммо ишимиз ҳали қўнгилдагидек эмас. Одамлар қилган ишни биз қилолмаймизми? Аҳвол шундай давом этса, райондагина эмас, балки ўз совхозимизда ҳам бош кўтариб юролмаймиз. Йил бўйи тер тўксангунатижа «вой» бўлса!.. Ана шуниси алам қиласди кишига!..

Пахтакор қўшиларимиз қаҳрамонона меҳнатлари билан жаҳонга машҳур бўлдилар, бизларда эса йилдан йил ҳосилдорлик пасайиб, молларнинг турлари ёмонлашиб кетмоқда. Бунга чидаб бўладими?!

Умидов чолнинг бу сўзларини эшитар экан, ўзини катта бир мактабни ўтаётгандек ҳис қилди. Намунали бригада бошлиғи бўлган бу одамни нега совхозда кўп одам танимайди. Бунинг сабаби нимада? Унинг ҳаёт тажрибаси ва босиб ўтган йўли сермазмун-ку?

Умидов чолга, қилган ишлари ва ҳаёти ҳақида бир неча савол берганида, унинг жавобларидан бунда Шокировнинг қусури борлигини пайқади. Воқеа бундай бўлган эди. Бир йили Шокиров Юсуф отадан бригададаги ерингиздан ярим гектарига менга қовун-тарвуз экиб беринг, дебди. Бу қонунга хилоф ишга Юсуф ота кўнмабди. Шокиров дўйқ-пўписа қилиб, уни қўрқитибди. Бу воқеадан кейин совхоз директори Абдуллаевнинг иш фаолиятини текшириш учун комиссия келади, шунда Юсуф ота директорни ҳимоя қилади. Ота Абдуллаевни совхозни тузган Ғани ота сингари ибратли директорлар қаторига қўяди. У гап орасида туҳматчиларни жазолаш керак деб уқтиради. Аммо Ўринбоев бошлиқ комиссия Юсуф отанинг гапини инобатга олмайди, Шокировнинг фаол иштирокида Абдуллаев ишдан олинади. Ана шундан бери Шокиров Юсуф отага тишини қайраб юрарди. Ўшанда Шокиров уни бригадирликдан олиб, қийин ишга қўяди. Аммо Юсуф ота бу ишни ҳам дўндириб бажаради. Бундан жон-пони чиққан Шокиров отани гумдон қилиш ниятида пайт нойлаб юради.

Орадан бир оз вақт ўтгач, партком ва илғор ишчиларнинг талаби билан Юсуф ота яна бригадирликка тайинланди. Шокиров яна ўч олиш йўлини ахтара бошлади. Ниҳоят, отанинг тўшакда ётган бемор хотини унинг учун яхши баҳоиа бўлди. Юсуф ота хотинини касал вақтида Шокировнинг бақироқ ва қўполлигидан ташқари, бераҳм одам эканлигига ишонч ҳосил қилганди. Чолнинг хотини ҳам унга ўхшаб совхоз ишига жонкуяр, илғор ишчи эди. У ҳар қандай шароитда ҳам жонини фидо қилиб ишларди. Кўрпа-тўшак қилиб ётиб қолганида Шокиров бир марта ҳам унинг ҳолидан хабар олмади. Ҳатто район поликлиникасига бориб келиш учун унга от'рава ҳам бердирмай қўйди.

Умидов кексаларнинг гапларини эътибор бериб тинглар, уларнинг гапларидағи фойдали жойларини лафтариға ёзиб қўйиб, шунга амал қилади.

Юсуф ота совхоздаги қолоқлик сабабларидан яна бирини очиб ташлади. У Шокировни совхозга «Ҳисса» дорлик киргизганликда айблади. «Ҳисса»чилар совхоз ерининг қадрига етмайдиган одамлар. Уларга ҳосилдор еру аъло уруғ, кўпроқ гўнг бер, сувни аяма. Алмашлаб экиш, кузги шудгорлаш, шур ювиш, яхоб суви бериш, умуман совхоз истиқболи уларни сира қизиктирмайди. Улар баайни баҳорда учиб келиб, кузда яна учиб кетадиган қушларга ўхшайди.

Ер ҳам одамга ўхшаб овқатлангиси, сув ичгиси, офтобдан баҳраманд бўлгиси келади. Ўғит — унинг озуқаси. Вақтида хайдасанг, сугорсанг чанқови босилади. Шунда ундан мўл ҳосил кутавер. «Ҳисса»дорлар шундай қиласадими? Йўқ! Улар совхознинг бирон тадбирида қатнашмайди. Агар бирор гап бўлса, «Биз мавсумий одамлармиз» деб оёқ тираб олишади. Улар худди бегона одамлардек ўзларига ажратилган ерларда капатикиб яшайдилар. «Ҳисса»дорларга табиат офатларига қарши курашнинг ҳам дахли йўқ.

Бир вақт экинларни дўл уриб кетди. Юсуф ота бригадаси аъзолари кеча-кундуз даладан жилмай, табиий офатга йўлиқсан экинларни сақлаб қолиш учун курашди. «Ҳисса»дорлар эса табиий офатдан қўрқиб, қочиб кетадилар. Бош агроном, район қишлоқ хужалик ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Бўриев полиз экинларининг ҳаммасини дўл уриб кетди, деб акт тузишди. Шокировнинг ана шу битта акти тракторнинг иши, ёнилғи, уруғ, ўғит ва ишчиларга тўланган иш ҳакини чиппакка чиқарди.

Шу тариқа беш йил мобайнида совхознинг уч юз гектар ери фойдаланилмай қолиб кетди. Ҳолбуки, Мирзачўл шароитида бир гектар ерини ўзлаштириш учун бир ярим минг сўмдан кўпроқ маблаг сарфланади. Унда уч юз гектар ерини ўзлаштириш учун ҳавога сарфланган маблагга ким жавоб беради? Агар бу ерларга экин экилганда совхоз қанчадан-қанча фойда кўрган бўларди.

Ишчиларга шароит яратилса, уларни ишга рағбатлантирилиб, муқим яшайдиган қилинса, улар ўзларини совхознинг чинакам жонкуяри деб билса, ишлар борган сари яхшиланиб бораверади.

Чол бу гапларни министрлик вакили Уринбоевга айтганида, ундан аччиқ жавоб олганини хотирлади:

«Совхознинг хўжайини йўқдек, ҳамма нарсага бошингизни суқаверасизми?»

Шунда чол, дарҳақиқат бир неча йилдан бери совхозда яхши бошлиқ йўқлигини тасдиқлади. Бутун бало ана шунда эди. Шокиров эса ўз қишлоғида кўнглимга ёқсан ишни қиласвераман, буни ҳеч ким билмайди, деб ўйларди. Ваҳоланки, унинг қилаётган қинғир ишлари ҳаммага аён эди. Одамлар унинг бир неча гектар ерга полиз экинлари эктирганини яхши биларди. Бутун иллат унинг районда ёр-биродарлари, қўлтиқтаёклари кўплигида эди. Улар одамларнинг шикоятларини тинглашар, аризаларини қабул қилиб олишарди-ю, аммо бирон ибрат бўларли иш қилишмасди. Шуниси қизиқки, баъзи яхши одамлар турли «баҳоналар» ва «ўз ихтиёри» билан совхоздан кетиб қолардилар.

Бу доно чолнинг ўз бригадасида ишларни аниқ иқтисодий ҳисобда олиб борганлиги Умидовга ёқди. Маълум булишича, экинларни бригадалар бўйича тақсим қилинган вақтда Юсуф ота совхоз дирекцияси ва бўлимларда бир неча марта гижиллашган экан. Бригадаларга олти-етти хил экин экиш тавсия қилинганида, у қаттиқ қаршилик кўрсатибди. У бригадаларда нари борганда тўрт ёки уч хил экин экишни талаб қилибди. Шунда бригада техникадан унумли фойдаланишини ва камчиликни ташкил қиладиган ишчи кучларини тарқатиб юбормаслигини далил қилиб кўрсатибди.

У ўз гапининг тўғрилигини исботлаш учун бу йил ўз бригадаси ерларига уч хил экин: маккажӯхори, молга бериладиган лавлаги ва арпа аралаш беда экид. Ҳамма экинлардан юқори ҳосил олиб, бригада катта фойда кўрди. Қўшни бригада эса саккиз хил экин эккан эди. Икки хил экин унмади, тўрт хил экиндан 60—70 процентдан ҳосил олди, фақат икки хил экини зўрга планга етказиб ҳосил берди-ю, бироқ таннархи қимматга тушди.

Чол ўз одамлари ҳақида ҳам илиқ гаплар айтди. Улар қанча гектар ерга экин экамиз дейиш ўрнига, қанча ҳосил кўтарамиз дейишаркан. Бригада аъзолари ҳар туп экинни меҳр билан парваришлар, агар у авж олмаса, қулоғидан тортиб бўлса-да, ўстиришга бор кучини сарфларди. Шу йўсинда бригада лавлаги-

дан мисли күрилмаган юқори ҳосил олди. Бу эса совхоз тарихида энг юқори ҳосил эди.

Умидов бу янги ерда ҳам Қизилқұмдаги «Мойкүл» совхозидаги сингари ишчан одамларга йүлиққанидан беҳад хурсанд бўлди. У «Мойкүл»да ҳам хўжаликни худди шундай бошқарган эди.

IV

Куз ҳар вақтдагидан кўра иссиқ ва қуруқ келди. Бунақа кузни ҳар ким ўзича бичиб-түқиди: масъулиятни ҳис этмаган, тепса-тебранмас раҳбар елкамга энди ёз офтоби тегяпти, ишларни бамайлихотир бажаравераман, бу йил барглар бултургига тез сарғаймаяпти. Қуриган шохлар шамолда синмаяпти. Осмонга ҳали булат чиққани йўқ, куз энди бошланяпти, деб ўзига таскин беради.

Мехнатсевар, тиниб-тинчимас раҳбар эса бундай келган кузни ғанимат билиб, ҳосилни ўз вақтида йиғиб-териб олади, қишига тайёргарлик кўради, келаси йил мўл ҳосили учун пухта замин яратади, шудгорлашни вақтида тамомлайди, кузги экинларни экиб, иҳота дарахтлари ўтқазади. Умидов ана шундай раҳбарлардан эди.

Унинг бошида доим турли-туман ишлар гужгон ўйнайди. Аввало ҳосилни йиғиб-териб олиш, сўнг навбатдаги ишларни бажариш... Арзимаган ишлар ҳам унинг кўзига тоғдек кўринарди. Бунинг устига кадрлар етишмаслиги уни қийнарди. «Хисса»дорлар эса «ишим битди, эшагим лойдан ўтди» кабилида иш тутиб, жўнаб қолишган. Лоақал экин экилган майдонларни тозаламай кетаверишган. Ҳатто совхоз ҳисобидан қурилган капаларнинг ёғоч-тахталарини ҳам олиб кетишган.

«Совхозда «ҳисса»дорлар бўлмасин», деган Юсуф ота минг марта ҳақли эди.

Бундан ташқари, ҳанузгача бу совхозда хўжаликнинг истиқболи, одамларнинг ғамини ейдиган, улар ҳақида ўйлайдиган раҳбар кам бўлган экан. Шу сабабдан ёшлар шаҳарга ёки шаронти яхшироқ бўлган бошқа хўжаликларга интилар экан.

Ахир инсон вақтичоғлиқ килиш, бир-бирининг суҳбатидан баҳраманд бўлишни хоҳлайди. Совхоз клубида эса ҳафтада бир марта кино қўйилиб, бир марта тан-

ца уюштирилади. Ёшлар хурсандчилик қилгани кечқурунлари бошқа совхозларга борадилар. У ердан ярим кечада чарчаб-ҳориб қайтадилар.

Умидов бу масалага алоҳида эътибор берди. У партия ва жамоат ташкилотлари олдига совхозда маданий-маший ишларни жонлантириб юбориш масаласини қўймоқчи бўлиб, ўйлаб турганида Олимов кириб келди-да: «Эртага кечқурун парткомнинг комсомол ташкилоти ва ишчилар комитети билан биргаликда қўшма мажлиси бўлади, унда клубнинг иш плани муҳокама қилинади. Сиз ҳам албатта иштирок этишингиз керак, сўзга тайёрланинг», — деди.

Кенгайтирилган партбюро мажлиси жонли ва қизгин ўтди. Умидов одамларнинг меҳнатсеварлиги, қувноқ ва маданий ҳаёт кечириш иштиёқи баланд эканлигига яна бир бор ишонч ҳосил қилди ва клубнинг иш планига бир қанча қўшимчалар киритди. Одамлар меҳнат қилиш билан бирга, яхши дам олиб, вақтичоғлик килишлари, шу билан бирга ўқиб, ўз малакалари ни оширишлари керак. У совхознинг ишларини чуқур таҳлил қилиб, колективга яхши ғамхўрлик қилинмаганлиги сабабли совхоз қолоқликдан чиқа олмаган, деди. Бу ўринда жамоатчиликнинг таъсири катта эканлигини ҳам таъкидлаб ўтди.

Натижада совхознинг ҳамма бўлимларида минимум ва хўжалик иқтисодини ўрганиш ўқиши ташкил этиш масаласи белгиланди.

Умидов сутчилик фермасидаги иқтисодни ўрганиш ўқишига ўзи раҳбарлик қилмоқчи бўлди. Унинг ташаббусини бошқалар ҳам қўллаб-қувватлади. Шу онда лекторлар ва техникум раҳбарлари топила қолди.

Умидов аввало, ҳосилни йигиб-териб олиб, кейин ақлий меҳнат билан шуғулланамиз деган нарса бўлмаслиги керак деганда, йиғилиш иштирокчилари унинг фикрини бир овоздан маъқуллади.

У партком аъзоларидан, партия ташкилотининг ўрнини босмоқчи эмасман, аммо бир оз партияий-ҳаётий тажрибага эга бўлган бир коммунист сифатида, бир қанча амалий маслаҳатлар бермоқчиман, деб узр сўради. У, бу таклифларнинг, шубҳасиз, совхоз ишчилари ҳаётида жуда муҳим эканлигини уқтириб ўтди. Сўнгра, кинонинг ҳам аҳамияти катта эканлигини ва кўпчилик бўлиб танца қилиш ҳам кераклигини таъкид-

лади. Аммо клубнинг ишлари бу билан чекланиб қолмайди. Мабодо шинам дала шийпони ишчиларни жисмоний меҳнатдан сўнг иккинчи ҳордиқ чиқарадиган жойи эканлиги инобатга олинса, яхши клуб эса маданий-маънавий дам оладиган иккинчи уйи булиши лозим. Хусусан «бир пиёла чой» устидаги суҳбатларни, революция ва меҳнат ветеранлари, уруш ва меҳнат қаҳрамонлари билан учрашувларни, савол-жавоб кечаларини, концертлар ва бадний ҳаваскорлар тұғаракларини яхши уюштириши керак. Одамларнинг онги кундан-кунга ўсмоқда, ўз билимларини ҳамда маданий савияларини тобора ошириш учун интилмоқдалар. Шунни назарда тутиш керакки, ҳозирги қишлоқ аҳли турли хил техникани бошқара оладиган одамлардир. У ишчилар синфи билан құлни құлга бериб халқ учун моддий неъматлар яратади. Бугунги кунда қишлоқда турли хил касб әгалари: тракторчилар, комбайнчилар, ирригаторлар, зоотехниклар, чорвадорлар, экономистлар, инженерлар, врачлар, үқитувчилар ва бошқа күпгина касб әгалари ишламоқда. Улар меҳнаткаш деҳқонлар ҳаётини тубдан ўзгартириш учун жонбозлик күрсатмоқдалар. Бунда клубнинг роли катта, у одамларни уюштириши, уларнинг бутун истак ва орзуларини колектив манфаатига сафарбар қилдириши лозим. Маънавий талаб қондирилғандагина меҳнат ҳам самарали бўлади, қаҳрамонлик намуналари кенг қулоч ёзади.

Умидов сўзини якунлар экан, деди:

— Одамларга ғамхўрлик қилмаган раҳбарнинг улардан иш талаб қилишга ҳақи йўқ. Иш билан ғамхўрлик әгизак нарсадир. Бу нарсаларнинг хар иккисига ҳам бошқача кўз билан қараш керак. Олтин фондимиз кадрларни ардоқлашимиз, кўз қорачигидай асраримиз лозим.

Йигилганлар Умидовнинг сиёsat, хўжаликни бошқачиши, ижтимоий ҳаёт, одамларга муносабат ва уларга ҳар доим ғамхўрлик қилиш борасидаги ақл-заковатига таҳсин ўқидилар.

* * *

Баъзи бир район ташкилотларида Умидовга бошқача кўз билан қарайдиганлар ҳам топилиб қолди. Ма-

салан, бир раҳбар «Узсельхозтехника»да: «Ҳовлини қурмасдан эшигини қурибсиз-да» деб Умидовга пичинг қилди. «Янтоқ уни тайёрлайдиган машинага умидвор бўлиб, элдан бурун уч юз тонна янтоқ тайёрлаб қўйибсиз. Бизда эса ҳали бунақа машина йўқ!»

Умидов шунақа машина бор деб уларни ишонтири-моқчи бўлганда, у қўл силтаб: «Такрор айтаманки, бизда ҳали унақа машина йўқ», деб жавоб берди. Шу тариқа «Узсельхозтехника»нинг бу жавоби Умидовнинг совхозни витаминалашган ем-хашак уни билан таъминлаш ниятида қилган ҳаракатларини чиппакка чиқарди.

Бўриев Умидовни район қишлоқ хўжалик бошқармасига ўзи йўқлатган бўлса-да, уни ёмон кутиб олди. Бундан дили ранжиган Умидов индамай чиқиб кетаётган эди, Бўриев:

— Ҳа, нега келдингизу, нега кетяпсиз? — деди.

Умидов ўзини босиб:

— Кутиб олишингиз шу бўлса, кузатишингиз ҳанақа булиши ўз-ўзидан маълум. Мен бу хилдаги муомалага ўрганмаганман. Хизмат юзасидан олдингизга келган одамни бундай кутиб олишингиз яхши мас.

Бўриев ўрнидан туриб, ўтириш учун Умидовга жой кўрсатди ва гапни бошқа ёққа бурди:

— Ҳозиргина бир колхоз раиси бўлмағур талаблар билан олдимга кириб, таъбимни тирриқ қилди, — баҳона қилди у. — Ҳалигача ўзимга келолмаяпман.

Аслида гап бошқа ёқда эди. Бўриев ўз мавқеидан фойдаланиб, Умидовни қўлга олмоқчи ва Шокировга нисбатан муносабатини ўзгартириши учун уни андак чўчитиб қўймоқчи эди. Аммо Умидов у ўйлаган одамлардан эмасди.

Бўриев гапни чалғитиши учун хўжалик соҳасидан Умидовга бир неча саволлар берди. Бу саволлар совхознинг тараққиёти ва яхшиланишига ҳеч алоқаси йўқ эди. Башарти Умидов совхоз ишлари ёмон аҳволда деб жавоб берган тақдирда ҳам, барибир Бўриев ҳеч қандай ёрдам бермасди. Агар унинг совхозга ёрдам бериш нияти бўлса, буни аллақачон қилган бўларди. У совхознинг бундай аҳволга тушгунича қараб турмасди. Шундай бўлса-да, Умидов Бўриевнинг совхозга ва ўзига нисбатан муомаласи қандайлигини синааб кўрмоқчи

бўлди. Совхозни қай аҳволда қабул қилганини, ҳозир нималар қилаётганини, келгусидаги режалари қандайлигини, «Облсовхозтрест»дан ташқари, район ташкилотларидан қандай ёрдам кераклигини унга рўйирост айтди.

Бўриев унинг гапларини диққат билан тинглаган бўлди. Умидов папкасини ковлаштира бошлаган эди, Бўриев ер остидан унга хўмрайиб қараб: «Сен ҳали районда намунали хўжалик директори бўлмоқчимисан? Чучварани хом санабсан. Менга тинч ишлашга имкон бўлмаган жойда, сенга ҳам тинчлик йўқ!» деди ичида.

— Иҳота дарахтлари ўтқазадиган жойларни аниқлаб бўлдингларми? — Бўриев шу саволни берар экан, совхозни топшираётган вақтда унинг истиқболига доир планин ҳамда ер картаси ва бошقا ҳужжатларни йиртиб ташлаганини эслади. Янги директор эса совхозни қабул қилаётганида бу нарсаларга эътибор бермаган эди.

Умидов совхознинг истиқболига доир ҳеч қандай ҳужжат топа олмадим деди. Аммо, ўзи тегишли идоралардаги архивлардан иккиичи нусхасини топган эди. Бўриев ҳамон уни чалғитиш мақсадида пойинтар-союнтар саволлар берарди. Ниҳоят, гапни Шокиров масаласига бурди.

Умидов Бўриевнинг ниятини фаҳмлаб, Шокиров тўғрисида ортиқча гапирмади. Лекин бор гапни рўйирост айтди: ҳозир совхозга кўплаб техника керак бўлиб турган бир пайтда ўз билим доираси торлик қилиб, мавжуд техникани ишга сололмайдиган одамларнинг раҳбар бўлиб туриши қийин. Мўл ҳосил этиштириш учун эса техниканинг тилини яхши билиш керак. Уни ишлата биладиган одамларни топиб, уларнинг техникидан қандай фойдаланаётганикларини назорат қилиб туриш керак. Аммо Шокиров бу соҳада анча қийналиб қоляпти. У совхозда анчадан бери яшаётгани учун барча икнир-чикирларини яхши билади. Шу сабабдан ўз вазифасида, яъни бош агроном бўлиб ишлайверади. Агар қийналиб қолса, унга ёрдам беришга тайёрмиз. Биз илм-фан ва тажрибага суянган ҳолда ишолиб бориш тарафдоримиз.

Бўриев бу гапдан ўйланиб қолди. Кейин савол берди:

— Совхозда сал кам бир йил ишлайпсизу бирор бурилиш ясадингизми? Совхознинг истиқболи ҳақида қандай фикрдасиз? Совхознинг оёққа босишига ақлингиз етадими?

Умидов Бўриевдан бундай гапларни кутмаган, совхознинг аҳволини яхши билган Бўриев менга ёрдам берар деб ўйлаганди. Шу сабабдан совхозда Бўриев ишлаган даврини эслатиб ўтишга мажбур бўлди:

— Сиз совхоз директори бўлган вақтингизда совхозни ободонлаштириш, қорамол наслини яхшилашга эътибор берганмисиз? — деб пичинг қилди Умидов.

Ўзининг эса Сирдарёга бориб кўпгина совхоз ва колхозларни кўриб келганини айтди. Кўрган хўжаликларида чўлдан асар қолмаган, бу хўжаликларни куриб, киши ёқасини ушлаб қолади. Бизнинг совхоз эса ҳамон ўзини ўнглаёлмаяпти. Бунинг сабаби нимада. Район раҳбари сифатида сиз бунга нима дейсиз, деди Бўриевга.

Талвасага тушиб қолган Бўриев гапни бошқа ёққа бурди:

— Мен яна бир нарсани билмоқчиман: йигим-төрим қизиган долзарб пайтда одамларни янтоқ ўришга сафарбар қилишнинг нима ҳожати бор эди? Ахир хўжаликларингизда қорамол йўқ-ку!

Умидов бу сизнинг вазифангиз доирасига кирмаса керак, деб пичинг қилди. Бу гапдан Бўриевнинг жаҳли чиқиб, сизга ушшаган директорлар «Облсовхострест» бор-ку, деб районни менсимаяпсизлар, деб таъна қилди ва жойларда фақат район ташкилотларигина бошчилик қиласди, деб огоҳлантириди. Бинобарин, районнинг рухсатисиз ўзбошимчалик қилишига ҳеч кимнинг ҳақи йўқ, деб ушқирди.

Аммо Умидов, гап совхоз ишларини яхшилаш устида кетаётган бир пайтда, тумшуғини ҳар ёққа тиқаётган Бўриевни миқ этмайдиган қилиб қўйди. Унинг район раҳбарларидан бири эканлигини ҳам айтиб ўтди. Сўнг ҳеч ким ўзбошимчалик қилаётгани йўқ, балки ишчиларнинг талаб ва хоҳишларига мувофиқ совхозни оёққа тургазиш ва ривожлантириш устида жиддий ишлар олиб бориляпти. Чорвачиликни дехқончилардан ажратиб бўлмайди. Бу икки тармоқ бир-бири билан узвий боғланган. Ҳар иккаласини бирга ривожлантириш керак, деди.

Умидов Бўриев нима мақсадда чақирирганини ва унинг ҳақида қандай хулосага келганлигини фаҳмлади. Олимовнинг Бўриев совхоз ишларига асло жон куйдирмайдиган одам деган гапларига яна ишонч ҳосил қилди. Бундай бемаъни сухбатдан сўнг Умидов: «Сен билан пачакилашиб ўтиришдан маъно чиқмайди шекилли» деган фикрда қоғозларини йиғиштириб, папка-сига кола бошлади.

Шунда Бўриев Шокировнинг «Умидов кучли директор» лардан деган гапини эслади. Ҳар ким ҳам унинг ишига аралаша олмасди. Нихоят тишлирини ғижирлатиб: «Бу чўлу биёбонда катта қадам ташлайман деб чатаноги керилмаса гўргайди. Чулнинг ўзига яраша инжиқликлари бор. Ҳар ким ҳам уни эплаб ишга соломайди... Сен бу ерда вақтинча ишлаётган кимсасан... Ишқилиб шарманданг чиқмаса бўлгани», — деган фикрни хаёлидан ўтказди.

Умидов хайрлашиб, чиқиб кетди.

* * *

*

Умидов билан Олимов бақувват қушни совхоз директори Азимовнинг олдига бориши. Олимов Умидовни унга танишитирди. Улар турли масалаларда сухбатлашишди. Азимов бир оз бўлса-да, Умидовнинг қандай одам эканлигини билгиси келди. Аввало, у ўзининг улардан нега хафалигини айтди. Чунки собиқ директорларнинг кўпи Азимовни бир неча марта лақиллатиб кетишган эди. Шунда совхоз катта зарар кўрган, бу бир неча йилдан бери балансда осилиб ётарди. Шу сабабдан Азимов бу совхоз билан асло алоқа қилмасликка аҳд қилган эди.

Умидов ўз илтимосларини айтишга шошилмади. Азимовнинг ўзидан бир неча погона юқори эканлигини фаҳмлади. Ҳужаликни бошқариш соҳасидаги унинг бамаъни гаплари Умидовга жуда ёқди. Азимовнинг кўкрагида ярқираб турган Олтин Юлдуз эса кўп нарсадан далолат бериб турарди. Шундай катта ва бақувват совхоз директорининг кабинети жуда оддий жиҳозланган эди. Үндаги нарсалар дид билан жой-жойига қўйилган.

Умидов қўлидаги бўш пиёлани Азимовга узатар

экан, келишидан мақсади нима эканлигини ётиги билан айтди. Совхоз директори олдига әмас, балки коммунист ва Социалистик Мөхнат Қаҳрамони ҳузурига келганлигига шама қилди. Аввало, ундан ёрдам ва маслаҳат сұраб келған бұлса, қолаверса, ундан жиддий даъволари ҳам бор әди. Үзи билан құшни бүлған хужалик ёмон ақвога тушиб қолған пайтда, коммунист ва Социалистик Мөхнат Қаҳрамони қандай қилиб күзюмиб үтиб кета олади? Еки у ери, суви, оби ҳавоси бир хил иккі совхоздан бири үзини күрсатмоқчими? Бу яхшимас. Халқнинг: «Ховли олма, құшни ол» деган ҳикматли гапи бор. Биз шунақа яхши құшнимиз ҳузурига маслаҳатта келдик. Азимов Умидовнинг бу гапларында асло ранжимади, жилмайыб, энди совхозингиз гуллайди, деди. Бу гапни у сидқидилдан айтди. Умидовнинг очиқ күнгіллігини, ҳалол одамлигини, ишга партиявиди нұқтаи назаридан ёндашаётгандыгын билиб туриб айтди.

Умидов совхознинг ҳозир нималарга муҳтож эканлигини батағсил сұзлаб берди. Гарчи совхозда техника етарли бұлса-да, ярмидан күпі ремонталаб. Қайси тракторнинг қанақа ремонтта мұхтоҗлиги номағлум. Дефект ведомости йүқ. Совхозда шароит йүқлиги сабабли инженерлар кетиб қоляпты. Күпдан бери совхозда инженер йүқ. Механикнинг эса назарий билими етарли әмас. Ишга яроқлы техника йүқлиги туғайли шудгорлаш, ер текислаш, кузги дон әкиш ва дараҳт үтқазиш плани оқсаяпты.

Бу гапни әшитиб Азимов уйға чүмди. Гарчи одамлар ва техника үз совхозига сув ва ҳаводек зарур бұлса-да, ёрдам бериш инсоний бурчи эканлигини ҳис этди. Чунки вақт зиқ, кузги шудгорлашни кечикириб бұлмаслигини тушунарди. Аммо у Умидов билан Олимовни огохлантириди: қишиңдердің қилиши мүмкін, ҳозир ҳаво яхши. Тракторчилар ҳақида ўйлаб күриш керак. Улар ерини очиқ ҳавода ҳайдайдылар. Тракторчилар ҳавонинг қандай булишини билишмайды. Механизаторларни исесік кийинтириш керак. Уларни далаада овқатлантириш, ёғын-сочиндан сақтайтын шароит яратыш зарур. Моҳир механизаторларни ҳурматлаш, уларни моддий ва матнавий жиһатдан рағбатлантириш лозим. Шунда одамлар гайрат ва ташаббус күрсатып мөхнат қиладилар.

Азимов эртагаёқ учта ер ҳайдайдиган трактор, битта грейдер, битта ер текислайдиган скрепер, дарахт үтказиш ва боғ яратиш учун битта конавокопатель юбортиришга ваъда берди.

Умидов билан Олимов бу гапни эшитиб, елкаларидан тоғ ағдарилгандек бўлди, юзларида табассум ўйнади. «Узоқ қариндошдан кўра, яқин қўшни яхши» деган мақолни айтиб, Азимовга ташаккур изҳор қилишди.

Азимов молларнинг ем-хашаги ва аҳволини сурасуриштириди.

Умидов ҳамма нарсани очиқ-ойдин айтди, чунки чорвачиликнинг аҳволи жуда ёмон эди. Сўнг, «Узсельхозтехника»нинг айби билан фойдаланмай қолиб келаётган янтоқ хусусида ҳам гапирди.

Азимов кулиб, янтоқ тўғрисида халқ қўшигини ёддан айтиб берди:

Ўтиннинг яхшиси янтоқ,
Хотиннинг яхшиси қалмоқ,
Қайси номарднинг иши
Ер устига ёр олмоқ.

Барги бору гули йўқ,
Гули бору барги йўқ.

Халқ янтоқни шунақа қадрлаган. Қуй-эчкиси бор одамларга янтоқ жон озуғи.

— Агар янтоқни ишлатмасанглар, биз уни сотиб оламиз. Қарзларингизни бундан босиб қолмаймиз.— Бир замонлар,— деди Азимов янтоқ тўғрисидаги афсонани давом эттириб,— донғи кетган Қарши ҳолваси — «русча» янтоқ шакари ва пистадан тайёрланар экан. Шу сабабдан асалари уялари янтоқзорга қўйиларкан. Чунки унинг гули, барги ва пояси ширин булар экан. Бир олим бир гектар ердаги янтоқдан йигирма саккиз килограмм шакарчиқишини аниқлаган экан.

Гарчи Азимов янтоқнинг фойдали эканлиги тўғрисида гапирса-да, меҳмонларнинг бу гапга негадир парво қилмай ўтирганларини пайқаб: «Ҳа, таклифим ёқмадими?»— деб сўради.

Умидов ҳурмат ва миниатдорчилик билдириб, янтоқни сотиб олмоқчи бўлганингизга биз хурсандмиз, аммо уни ўзимиз молларга берганимиз маъқулмикин, деди.

Азимов меҳмонларнинг таклифини кутмай: «Майли, икки килограмм янтоққа бир килограмм пичан берамиз»,— деди. Бу кутилмаган воқеа бўлди. Улар бехад курсанд булишди. Умидов ўрнидан туриб, Азимовга миннатдорчилик изҳор қилди ва ишни осонлаштириш мақсадида ўз таклифини айтди. У уч юз тонна янтоқни ташиб олиш ва бу ердан юз эллик тонна пичанни ташиб кетиш учун қанча транспорт, ишчи кучи ва вақт кераклигини айтди. Ундан кўра, янтоқ тамом бўлгунча қўйларни ўша ерда боқилса қандай бўларкин, деди.

Умидов бу ўринда янтоқ ва пичанни ташиб олиш учун маблагни тежаш билан бирга, қўйларни янтоққа яқин жойларда боқилса, қўшимча гўнг тушишини ҳам назарда тутди.

Умидовнинг бу таклифи Азимовга маъқул тушиди ва оби ҳавонинг яхшилигидан фойдаланиб, эртага қўйларни янтоққа ҳайдаймиз, деди.

Эл-юрт ўртасида янтоқ ҳақида қанчадан-қанча гапсуз бўлганига қарамай, унинг оқибати хайрли тугади.

Азимов минг хил андишага бориб, вақтинча фойдалангани икки юз гектар ер берсаларингиз, деди. Бунга Олимов эътироуз билдирган эди, Азимов унга ётиғи билан тушунтириди:

— Бу ерлардан сизлар фойдаланмаяпсизлар. Биз бу ерларни ўзлаштирамиз, обод қилиб, экин экамиз. Бир неча йилдан кейин ўзларингизга қайтариб берамиз. Бу ҳақда партияning қарори ҳам бор.

Умидов менинг бу қарордан хабарим бор, деди. Аммо министрлик билан келишмай туриб бир нарса деийиш қийин эди. Шундай бўлса-да, у Азимовни, бу масалани ижобий ҳал қилиш учун қўллимдан келган барча ишни қиласман, деб ишонтириди.

Азимов бошқа яна бир масалага қизиқди: қўриқ ерларда бунёд этилаётган янги қишлоқларнинг ҳуснига дод тушираётган эски қишлоқлар қачонгача туради? Биз қўриқ ерларга эски урф-одатларни, эски чиркин турмушни тиклагани келганимиз йўқ, балки янги, маданий уй-жойлар қургани келганимиз. Ҳозир қўриқ ерларга меҳнатдан қочадиган мулла-эшонлар ва дангасалар келмайди, балки ерларнинг қиёфасини ўзгартириб юборадиган одамлар оқиб келмоқда. Улар на қаттиқ совуқ ва на жазирама иссиқдан қўрқишиади. Улар ўзга тоифадаги одамлардир. Улар янгича меҳнат қилиб, ян-

гича ҳаёт кечиришни истайдилар. Янги ерлар янгиликни талаб қиласи. Чириган эски нарсалар унинг табиатига тамоман зид. Агар бош агроном Шокиров ҳақиқий раҳбар бўлганда, буни яхши англаған бўларди, деди.

Умидов ҳамкасбининг сўзларини эътибор билан тинглаётган бўлса-да, Олимовга қараб-қараб қўярди. Олимов сиёсий раҳбар сифатида бу гапларга зўрга чидаб ўтиради. Шу сабабдан Умидовнинг жавобини кутмай, биз мажлисда бу масалани муҳокама қилганмиз, тез кунда у кўхна қишлоқни йўқотамиз, деди.

* * *

*

Қўшни совхоз берадиган ёрдам тўғрисидаги хушхабар бир зумда бутун совхозга тарқалди. Сутчилик фермаси мудири Бобоев айниқса севиниб кетди. Пичанин қабул қилиб олиш учун ферма ёнидан жой ажратиш чорасини курди. Бу пичан страховой фонд ҳисобига бўлиб, қиши охирлай деганда молларга берилади, деб ферма ходимларини огоҳлантириди.

Азимов эса қўйларини янтоқзорга ҳайдатар экан, бенга автомашинага пичан ортиб жўнатди. Ферма ходимлари қўшини шоферларни самимий кутиб олишди.

Чўпон Мурод жийрон отида қўй сурувлари олдига бориб, капа тикаётган қўшни чўпонларга ёрдамлашди.

У ёрочга брезент тортиб бир неча дақиқада капа қурса бўлади деб ўйлаганди, бўлмади. Капалар тикишга бир соатдан мўлроқ вақт кетди. Маълум бўлишича, бу чўпонларнинг капаси бошқача экан: тўрт девори ва томи бор, кенг, ичига иккита буклама каравот, битта стол ва бир неча стул сифаркан. Шифтда керосин лампа осилиб туаркан. Гарчи капа яйдоқ далага қурилган бўлса-да, лекин чўпонлар радиодан турли хабарларни эшлишиб туришаркан. «Бой совхоз чўпонларининг иши миҳ-ку»,— деб ҳайратланди Мурод.

Қўйларни кўриб ўзича деди: «Семизликдан ёрилай дейди-я. Ҳаммаси соғлом». Мурод ҳамкаслари билан сухбатлашиб, бу қўйлар тўғри яйловдан ҳайдаб келинганини билди. Совхозда эса юзлаб қўйлар бўрдоқига боқилаётган экан. Улар давлатга гўштга топширилар экан. Чўпонларнинг меҳнат ҳақлари жойида. Кўплаб

құзи олгани, құйлар туёғини сақлагани ва яйловда ҳамда бүрдоқига боқиб, вазнини орттиргани учун устама мукофот олишар әкан.

Бир чұпон бу йил пулдан ташқари, мукофот тариқасыда үнта құзи олганлигини завқ-шавқ билан гапириб берди.

Бу гапларга ҳаваси келган Муроднинг, иложи бұлса құшни совхозга үтиб кетгиси келди.

Аммо чұпонлардан бири құйларни яхши парварищ құлмаганлиги, кам құзи олганлиги, меңнат интизомиди бузғанлиги учун совхоз директорига айрим ишчи-ларни мукофотдан қисман ёки бутунлай маҳрум қилиш ҳұқықи ҳам берилған деганида, Муроднинг ҳафсаласи пир булди. Ичіда: «Үндай бұлса, бу ер тузук әкан, доим бир хилда маош оламиз» деб үйлади. У үйига кайтиб келаётіб, директорнинг янгича меңнат ҳаки тұлаш усулини жорий құлмоқчы эксанлиги әсига түшди. Нахот ҳамма ерда янгича усулда ҳақ тұланса?

Үйида хотини Мұхаббатой билан суҳбатлашаркан, меңнаттаға янгича ҳақ тұлаш усули совхозгаям, үzlаригаям фойдалы эксанлигини англаға.

Азимов механизаторларни ҳам айтған вақтида юбортируди. Улар бу ерда механизмларни дархол ювиб-тозаладилар.

* * *

Умидов уч кун совхозда бұлмади. Шу вақтда у Октябрь революцияси номидаги заводда бұлды. Бириңчи куни у завод директори кабинетіда кекса ишчи Яковлевни учратиб қолди. Яковлев 1930 йили партиячейка секретарлығы вақтида Умидов билан Қовунчы қишлоғида учрашған әди. Үшанды ёш Умидов САХИПнинг студенти булиб, янги ташкил этилған «Мехнат» колхозида тажриба үтказаётганды. Яковлев Кауфман станциясында «Қызыл Шарқ¹» юборған маҳсус вагонда келганди. Бу оддий вагон бұлмайды, унда чилангарлик асбоб-ускуналари, версткалар ва бир қанча запас қисмлар бор әди. Бу вагондагилар ремонт қыладыған ишчилар әди. Улар завод партиячейкасининг йүлланмаси

¹ Ҳозирги Октябрь революцияси номидаги завод.

билин меҳнаткаш дәжқонларга қишлоқ хўжалик инвентарларини ремонт қилишда ёрдамлашгани келишиган эди.

Яковлев завод директорига бригада йигирма саккизта қишлоққа хизмат курсатди деб ахборот берди. Умидов тажриба ўтказаётган биргина Қовунчи қишлоғида уч юзтacha плуг, элликтacha сеялка, ўтиздан ошиқ культиватор ва бир қанча инвентарлар ремонт қилинибди. Қишлоқ меҳнаткашлари ўзларини оталикка олган Тошкент «Қизил Шарқ» заводига зўр миннатдорчилик изҳор қилишди. Завод булардан ташқари, пахтакорлар учун қизил чойхона, саводсизликни тугатиш курслари очиб берди, пионер отрядлари тузишда ёрдамлашди.

Икки дўстнинг ўттиз беш йилдан сўнг учрашиб, бирбирларининг оғиз-бурунларини ўпгудек булаётгандарини куриб, ҳамма ҳайрон бўлди. Яковлев Умидовнинг кўкрагида бир неча орден ва медаль ленталарини куриб фахрланди. Дўстнинг кўкрагида Совет Иттифоқи Қаҳрамони Олтин Юлдузига кўзи тушган Умидовнинг ҳам боши осмонига етди.

Яковлев завод директорига ёш Умидов ҳақида кўл нарсаларни сўзлаб берди. У қишлоқда хотин-қизлар озодлигиги, ер-сув ислоҳоти, ёшларни ўқишига жалб қилишда жон куйдирган эди.

Яковлев ёши анчага бориб қолган бўлса-да, Умидовнинг оталиқ масаласида келганлигини билиб, янги ерлардаги совхозга ёрдам бериш истагини билдириди.

Умидовнинг айтган гаплари завод директори, партком ва завкомни ноқулай аҳволга солиб қўйди. Улар оталиқ ишларини ўз ҳолига ташлаб қўйганликлари учун ноқулай аҳволга тушиб қолишли. Ўтган йилларда совхозда фақат маданий-сиёсий, оммавий ташвиқот ишлари олиб боришган, холос.

Энди Умидов улар олдига оталиқ ишларининг усулини тубдан ўзгаририш масаласини қўйди. Оталиқ ишларини ҳар қачонгидан кучайтириш керак, унинг ёрдами билан совхозда кескин бурилиш ясалсин. Бошка хўжаликларда ўтказилаётган «Ўроқ ва Болга» байрамлари оталиқка олган ташкилотларнинг ишини янгича услугуда ўюнтириб, янгича ёрдам кўрсата бошлаганликларини курсатяпти.

Умидов бор нарсани очиқ-оидин гапирди. Кадрлар